



Ishonch

ИшОХИЯТ

Ўз ақл-заковатингиз, билим ва тафаккурингиз, куч-гайратингизга, тоғдек таянчингиз — буюк Ватанимизга суяниб, маррани катта олинг, азиз фарзандларим!

Ислом КАРИМОВ

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqq boshlagan

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИГА АЪЗО ДАВЛАТЛАР ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИ МАЖЛИСИДА ИШТИРОК ЭТАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар Давлат раҳбарлари кенгашининг 2011 йил 14-15 июнь кунлари Остона шаҳрида бўладиган навбатдаги мажлисида иштирок этади.

Имтиёз Хайрли иш давом этади

Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси ишлаб чиқилган дастур доирасида изчил фаолият юритяпти.

— Жорий йилнинг май ойига қадар 400 нафар тадбиркор ўзининг санаторийларда имтиёзли равишда соғломлаштирилди, — дейди ЎзКУФКнинг ижтимоий сугурта бўлими ходими Н.Эшонхонова. — Йил якунига қадар яна 700 киши шундай имтиёздан фойдаланади.

Шунингдек, «Ташаббус — 2011» кўрик-танловининг «Энг яхши фермер», «Энг яхши хунарманд» ва «Энг яхши тадбиркор» йўналишлари бўйича фахрли ўринларни эгаллаганларга 42 та имтиёзли йўлланма ажратилиш (10 фойиз бепул йўлланмалар ҳисобидан) кўзда тутилмоқда. Тадбиркорларнинг 4320 нафар ўғил-қизи имтиёзли тарзда касабаси уюшмалари маблағи ҳисобидан болалар оромгоҳларида дам олдирилади. **Ўз мухбиримиз**

Ўқув-семинар

Ҳам малака, ҳам марок

Таълим ва фан ходимлари касабаси уюшмаси Марказий кенгаши ҳамда Ўзбекистон фанлар академияси бирлашган касабаси уюшмаси ташаббуси билан бошланғич касабаси уюшма ташкилотлари етакчиларининг вазифаларига оид тушунчалар, бу борада жойларда касабаси уюшма аъзолари манфаатини ҳимоялашга қаратилган ўқув-семинар ташкил қилинди.

«Ҳожикент» дам олиш оромгоҳида ўтган йилда ЎзФА бош ҳуқуқшуноси А.Ахпержанов Президентимиз Ислом Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мавзусидаги маърузаси муҳияти юзасидан келиб чиқадиган вазифаларга эътиборни қаратди. Шунингдек, ижтимоий шериклик асослари, касабаси уюшма маблағларидан самарали фойдаланишни тўғри ташкил этиш, сметада белгиланган маблағни мақсадли сарфлаш бўйича тушунтириш берилди.

Бошланғич ташкилот фаоллари уч кун давомида ўзлари учун зарур бўлган билим ва кўникмаларга эга бўлиш баробарида, сўлим оромгоҳда мароқли дам олиб қайтишди.

Комила Йўлдошева,
ЎзФА Физиология ва биофизика институти бошланғич касабаси уюшма ташкилоти раиси

«КЕЛАЖАК ОВОЗИ — 2011»

ИСТЕЪДОДЛИ, ИНТИЛУВЧАН ВА ТАШАББУСКОР

Йирик лойиҳалардан бири — «Келажак овози» республика кўрик-танловининг «Архитектура ва дизайн», «Ахборот технологиялари, рационализаторлик таклифлари ва техник ишланмалар», «Миллий ва амалий санъат», «Адабиёт ва публицистика» номинациялари бўйича Тошкент шаҳар босқичи бўлиб ўтди. Унда танловнинг биринчи саралаш босқичидан муваффақиятли ўтган 2000 дан зиёд ғолиблар ўз лойиҳалари, ижодий ишлари, рационализаторлик таклифлари, дастурий таъминот ва турли соҳадаги ишланмалари билан иштирок этишди.

Тадким этилган барча ишлар малакали мутахассислардан иборат ҳакамлар ҳайъати томонидан кўриб чиқилиб, беллашувда ўз иқтидорини намоён этишга эришган 45 га яқин энг истеъдодли йигит-қизларга танловнинг республика финал босқичига йўлланма берилди. Уларга ташкилотчилар томонидан диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Таъкидлаш жоиз, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ва «Камолот» ЕИҲ ҳамкорлигида 2005 йилдан буён анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган ушбу танловда жорий йилда Тошкент шаҳридан 15 ёшдан 25 ёшга бўлган 14 500 дан зиёд йигит-қиз иштирок этиш учун ариза топширганлигининг ўзи ижодий бир ҳолат сифатида эътироф этилди.

Замонавийлик ва қулайлик

«Келажак овози» танловининг архитектура ва дизайн йўналиши ша-

ҳар босқичи Тошкент архитектура қурилиш институтида ташкил этилди. Институт биносига кирарканмиз, залнинг ҳар тарафида танлов иштирокчиларининг дид, меҳр кўри билан ишланган турли кўринишдаги ижодий ишлари кишини бир зум бўлса-да, ҳайрат дунёсига етаклайди. Бир қарашда мутахассис яратган макетлардан асло фарқ қилмайдиган асарларга ўзгача ёндашилганини аниқлаш қийин эмас.

— Мен «Пойтахт боғ ва хиёбонларидаги ландшафт дизайни» лойиҳам билан қатнашяпман, — дейди Асатилла Хўжаев номидаги Республика дизайн коллежининг 2-босқич ландшафт дизайни бўлими ўқувчиси Толибжон Ҳабибов. — Лойиҳамда 1 та дала ҳовли, 2 та боғ ва 1 та фаввора ўрин олган. Унда, шунингдек, боғлар, кўча ва хиёбонларни манзарали дарахтлар, ўсимликлар ва гуллар



Аъло АБДУЛЛАЕВ (ЎА) олган сурат

билан безашга доир қатор таклифларини билдирдим. Бунда, албатта, иқлимимизга мос, кўркам, ҳавони тозалашга хизмат қилувчи дарахт ва ўсимликлардан фойдаланиш, уларни ўтказишда ландшафт дизайни талабларига қатъий риоя этишга асосий эътибор қаратдим.

— Тошкент Давлат техника университети қошидаги Авиация академик лицейи ва спорт залининг ҳозирги ҳолатига янги, замонавий қиёфа беришга ҳаракат қилдим, — дейди Тошкент архитектура қурилиш институти қошидаги академик лицейнинг биринчи курс талабаси Элёрбек Раҳимов. — Бунда замонавий қурилиш ашёларидан фойдаландим. Чунки, улар сифати ва ди-

зайни билан ажралиб туради. — Танловда ўн икки қаватли турар-жой лойиҳам билан қатнашяпман, — дейди танлов иштирокчиси Дилмурод Исломов. — Унинг илк икки қавати жамоат хизматига мўлжалланган бўлиб, 200 ўринли ресторан ҳамда 75 ўринли чойхона ҳам ўрин олган. Бундан ташқари, замонавий микроайланма макети ҳам лойиҳамдан ўрин олган бўлиб, унда бугунги кун нафасини беришга ҳаракат қилдим. 100 нафарга яқин ёш истеъдодларнинг ижодий ишлари нуфузли ҳайъат аъзолари бошчилигида баҳоланди.

Нарзулла МАҲАМОВ,
«Ishonch» мухбири
(Давоми 8-бетда)

Қўшма мажлис

Фаолиятнинг янги уфқлари

Мамлакатимизда амалга ошириляётган ислохотларни эътиборга олиб, ташкилий ва молиявий жиҳатдан кучли касабаси уюшмасини барпо этиш ва шу асосда меҳнатқашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялашни кучайтириш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Шу мақсадда Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари ҳамда Ўзбекистон маданият ходимлари касабаси уюшмаси Марказий кенгашларининг раёсатлари жойлардан тушган таклифларни инобатга олган ҳолда мазкур касабаси уюшмалари негизда ягона касабаси уюшмасини таъсис этиш борасида қарорлар қабул қилди ва бу Марказий кенгашлар Пленумларида ҳам маъқулланди.

Шундан келиб чиқиб, Федерация кенгашининг Ўқув марказида Таълим ва фан ҳамда Маданият ходимлари касабаси уюшмаси Марказий кенгашларининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Унда таъсис қурултойи чакририш масаласи кўриб чиқилди.

— Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерациясининг V қурултойи, Федерация кенгашининг II-III мажлислари қарорлари асосида касабаси уюшмаларини янада тақомиллаштириш давр талаби эканини ҳисобга олиб, Марказий кенгашларининг бугунги қўшма мажлиси касабаси уюшмалари фаолиятида муҳим воқеа бўлди, — деди Таълим ва фан ходимлари касабаси уюшмаси Наманган вилоят кенгаши раиси Роза Дехқонова. — Дарҳақиқат, таълим, фан ва мада-

ният соҳалари бир-бирига жуда яқин бўлиб, уларни тирноқ билан эгга қиёслаш мумкин. Мақсад ҳам, иш фаолияти ҳам ўхшаш. Шу маънода иккала тармоқнинг ягона касабаси уюшма ташкилоти сифатида бирлашишини қўлаб-қувватлайман.

— Жамиятнинг қорига ярайдиган, кучли, бақувват бир ташкилотга айланиш арафасида турибмиз, — деди «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш барлашмаси бош директори Омонулло Ризаев. — Баҳслар, муҳокамалар ортада қолди. Ҳақиқатдан соҳалар муштарак. Масалан, мен ўқитувчиман, ректор бўлганман, шогирдларим бор. Бошқа томондан маданият ходимиман. Ўқитувчи авваламбор маданият, маданиятчи инсон эса тарбиячи бўлиши керак.

— Янги молиявий сиёсат, бошланғич ташкилотларнинг мавқоени ошириш, Бош келишув, нодавлат нотижорат ташкилотларини касабаси уюшма аъзолигига олиш, маданий ва спорт тадбирларини кучайтириш каби вазифалар касабаси уюшма фаолиятининг тақомиллашувини таъминламоқда. Шу маънода ягона ва кучли касабаси уюшма ташкилотининг пайдо бўлиши ишимизнинг янада жадаллашувини таъ-

минлайди, — деди Маданият ходимлари касабаси уюшмаси Марказий кенгашининг Бухоро вилояти бўйича вакили Чуянд Ҳамидов.

Шунингдек, Таълим ва фан ходимлари касабаси уюшмаси Сирдарё вилояти кенгаши раиси Қаршибой Эшназаров, Шайхонтоҳур туман бирлашган касабаси уюшма қўмитаси раиси Дилнора Улмасова ҳамда Маданият ходимлари касабаси уюшмаси Марказий кенгашининг Жиззах вилояти бўйича вакили Баҳрулло Қодиров ҳам сўзга чиқиб, касабаси уюшмаларининг жиқлашуви молиявий ва ташкилий жиҳатдан фаол бўлишини, ўзаро қўллаб-қувватлаш асосида фаолият олиб борилишини, энг муҳими, бошланғич касабаси уюшма ташкилотларининг кучайишига хизмат қилишини таъкидлашди.

Мажлисида юқоридаги масалалар юзасидан жорий йилнинг 12 июлида таъсис қурултойи чакририш ҳақида қарор қабул қилинди.

Тадбирда Федерация кенгаши ташкилий ишлар бўлими мудири Юнус Фафуров ҳамда юридик бўлим мудири Абдусалом Рисқуллоев иштирок этди.

Акмал ТОШЕВ,
«Ishonch» мухбири

Дастурга асосан

Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерациясининг бўш пул маблағлари ҳисобидан кичик корхоналар ташкил этиш орқали янги иш ўринлари яратиш Дастурига асосан изчил фаолият олиб бориляпти. Айни чоғда бу борада илк қадамлар ташланди. Бевоқифа ЎзКУФК томонидан Самарқанд шаҳрида «Ёш туристлар меҳмонхонаси», Қорақалпоғистон Республикасида тикувчилик, қандолатчилик цехлари, озиқ-овқат савдоси дўкони, Андижон вилоятида эса қандолатчилик цехи ишга туширилиб, жами 61 та иш ўрни яратилди.

Бўш маблағ ҳисобига янги иш ўринлари

Хайрли ишда тармоқ касабаси уюшмалари ҳам жонбозлик кўрсатди. Жумладан, Агроекономика мажмуи ходимлари касабаси уюшмаси Марказий кенгаши томонидан Андижон вилоятининг Балиқчи ва Пахтабод туманларида нон цехи очилиб, натижада тўрт новвой иш билан таъминланди. Қўқон шаҳрида фаолият бошлайдиган Гўзаллик саломи ва келинлар либослари ижара шохобчасида 5 нафар мутахассис ишга киришди. Авиация ходимлари касабаси уюшмаси Марказий кенгаши ташаббуси билан юзага келадиган Чирчиқ шаҳридаги тиббий хизмат кўрсатиш шохобчаси эса 5 нафар ходимни бағрига олади. Алоқа ходимлари касабаси уюшмаси Марказий кенгаши Андижон вилоятининг Хонобод шаҳрида «Танид» хусусий фирмасини, Урганч шаҳрида пуллик хизмат кўрсатиш ахборот кутубхона марказини, Фарғона шаҳрида телефон тузатиш устанонаси, компьютер хизматлари шохобчасини ишга туширади. Соғлиқни сақлаш ходимлари касабаси уюшмаси Марказий кенгаши Муборак туманида шифохона боғини, Олот, Жондор, Ғиждувон, Вобкент, Қорақўл ва Бухоро туманларида компьютер ва нусха қўлайтириш бўйича пуллик хизмат шохобчаларини ташкил этади. Шунингдек, Урганч туманида савдо-сотик хизмати, Наманган шаҳрида касаначилик фаолияти йўлга қўйилди. Навбахор туманида касабаси уюшма боғи, Қувасой шаҳрида «Аҳмад ал Фарғоний» МЧЖ бунёд этилади. Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касабаси уюшмаси Марказий кенгаши ҳаракати билан Жиззах шаҳрида «LA ROSALEDA», Фарғона шаҳрида «Фарғермес — Имкон», Навоий шаҳрида «Ишонч — Кафолат» шўъба корхоналарида 7 киши ишли бўлади. Таълим ва фан ходимлари касабаси уюшмаси Марказий кенгаши ташкил этадиган Ромитан туманидаги тикувчилик цехига 2 киши, Шаҳрисабз тумани ва Наманган шаҳрида касаначилик фаолиятига 6 нафар аъзо йўналтирилди. **(Давоми 2-бетда)**

Бандлик

Ёшлар заводда

Қашқадарё вилоятининг тоғли минтақасида жойлашган Дехқонобод тумани яқин орада республиканинг йирик саноат ҳудудларидан бирига айланади. Тумандаги калий-йўғитлар заводи ҳамда қатор фабрика ва кичик корхоналар, қолаверса, Тошгузар-Бойсу-Кумқўрғон темир йўлининг қурилиши шундан далолат бериб турибди.

Ҳеч кимга сир эмас, мамлакатимизда касб-хунар коллежларини тамомлаб чиқайтган битирувчиларни ишга жойлаштириш куннинг долзарб масаласига айланган.

Шундан келиб чиққан ҳолда Дехқонобод агросаноат касб-хунар коллежи ва калий йўғитлар заводи ўртасида 2011-2015 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик шартномаси тузилди.

Эндиликда, кимёвий технология ва ишлаб чиқариш, электр жиҳозларини сошлаш ва монтаж қилиш, ҳисоблаш машиналари, тизимлари ва тармоқлари йўналишларида таҳсил олаётган талабалар ўқини тугатиб, калий заводи-га йўл олади. Бунинг учун ёшлар касбий билимларини пухта эгаллашлари, қолаверса, назарий билимларини амалиётда мустаҳкамлашлари зарур.

Айни пайтда коллежнинг жорий йилда битирадиган 90 нафар ҳамда 2-босқичнинг 91

нафар ўқувчилари дипломолди ва ишлаб чиқариш амалиёт машғулотларини Дехқонобод калий йўғитлар заводида ўташмоқда.

Машғулот жараёнида жадвал асосида олиб бориляпти. — Бу йил коллежини битираман, — деди дипломолди амалиётини ўтаётган Сирожиддин Темиров. — Цехдаги жараёнлар назарий билимларимизни ишлаб чиқаришга таъбиқ этиш кўникмасини ҳосил қилишимизда қўл келайтир.

— Амалиёт машғулотлари 9 та цехда ўтказилляпти, — деди коллежнинг ишлаб чиқариш таълими устаси Дилшод Боймирзаев. — Масалан, бугун ўқувчилар қадоклаш ишлари билан танишишди. Ҳар бир жараён чуқур ўргатилади. Амалиёт чоғида заводдаги мураккаб технологиялар билан ишлашда ўз уқувини ва билимларини намойиш этган ўқувчилар танлов асосида ишга қабул қилинади. **(Давоми 2-бетда)**

Бўш маблағ ҳисобига

(Давоми. Боши 1-бетда)

Биргина Самарқанд шаҳрида Миллий хунармандчилик ва туризм йўналиши бўйича 25 нафар киши ишга тортилади. Ёқилги-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касабга уюшмаси Марказий кенгаши Фарғона шаҳрида компьютер ва нуска кўпайтириш шохбосчаси, Муборак туманида сартарошхона, Талимаржон шаҳридаги Амир Темур номи клуб биноси ертўласида пуллик спорт тўрагагини йўлга қўяди. Темирийўлчилар ва транспорт курувчилари ходимлари касабга уюшмаси Марказий кенгаши томонидан Зангиота туманида пойабзал таъмирлаш устaxonаси, Бўстонлик туманида уқалаш

янги иш ўринлари

(массаж) шохбосчаси очил қўзда тутилган. Металлургия ва машинасозлик саноати ходимлари касабга уюшмаси Марказий кенгаши Тошкент шаҳрида «ALN INDUSTRIA PLUS» коммандит ширкати, Андижон шаҳридаги «Уюшган ҳамкорлар плюс» МЧЖ, Асака шаҳридаги «Асака автомобилсоз люкс» унитар корхонасига янги иш ўринлари ташкил этилиб, одамлар иш билан таъминланади. Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касабга уюшмаси Марказий кенгаши Кўқон шаҳрида «Кўқон-Ишонч саноат қурилиш» ШК, Тошлоқ, Риштон, Ўзбекистон,

Бешарик туманлари ҳамда Кўқон ва Фарғона шаҳарларида аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш корхоналарини ишга туширади. Кўқон шаҳрида яна битта босмахона фаолият бошлайди. Шунингдек, худудий касабга уюшма ташкилотлари бирлашмалари томонидан ҳам кичик корхоналар тузилиб, янги иш ўринлари яратилади. Қўнғирот шаҳридаги 2 та ноҳ ҳисоблотлари тайёрлаш цехи, Нукус шаҳридаги ортехникаларни таъмирлаш устaxonаси, Олот туманидаги «Олотпаррандасавдо» МЧЖ, Шофиркон туманидаги паррандачилик хўжалиги, Жиззах шаҳри-

даги хусусий корхона, Термиз шаҳридаги «Дельфин» сув хавзаси шулар жумласидандир.

Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерацияси кенгаши Санатор-курортлар бошқармаси ҳам хайрли ишга ҳиссасини қўшади. Масалан, «Бўстон» ва «Чинобод» санаторийларида тикувчилик цехи ташкил этилиб, 8 киши иш билан таъминланади. «Оқтош санаторийси» МЧЖда қўшимча пулли тиббий хизмат кўрсатила бошлайди.

— Дастур режасини бажариш ҳар бир касабга уюшма ташкилоти зиммасига улкан масъулият юклайди, — дейди ЎзКУФК молия бўлими мудири Ашур Асадов. — Ҳеч ким четда қолаётгани йўқ. Ушбу мақсадлар учун тизимнинг бўш турган пул маблағларидан 3 071,1 млн. сўм, хомийлар томонидан эса 269 млн. сўм сарфланади ва натижада жами 1316 киши ишли бўлади.

Шарофат НОРКУЛОВА, «Ishonch» мухбири

Фаолларимиз ҳақида ҳикоялар

Савобга йўғрилган умр

Рустам ака одати бўйича шаҳар айланиб юрарди. Бир пайт сайилгоҳдан қўшиқ таралди.

Эсиб, болаликни қолдириб ортда, умр ўтмоқдадир, умр ўтмоқда. Қолдириб, қолдирмай из бу ҳаётда, умр ўтмоқдадир, умр ўтмоқда.

Қўшиқ сўзлари беихтиёр ўзи тугилиб ўтган Бўстонлик туманидаги Сойлик қишлоғини эслатди.

Рустам бир ёшга тўлар-тўлмагач уруш бошланди. Кўпчилик қатори отаси фронтга жўнар экан, турмуш ўртоғига:

— Углимизни мен учун ҳам тарбияла. Токи келгусида етук инсон бўлиб етишсин, — деди.

— Дадаси, урушдан эсон-омон қайтиб келсангиз, биргаликда Рустам-жонни тарбиялаймиз, — деди Тилла она қўзлари жиққа ёшга тўлиб.

Афсуски, Абдусамат ака урушдан қайтмади. Етти ёшдан Рустам Сойлик қишлоғидаги мактабга қатнай бошлади. 1959 йил ўрта мактабни тугатиб, меҳнат фаолиятини қурилиш трестидан оддий ишчилдан бошлади. 1960-1964 йиллар мобайнида «Чирчиқ кимёсаноат» корхонасида машинист бўлиб ишлади. Ҳарбий хизматда бўлди.

Тошкент политехника институтининг самолётсозлик факультетидан сиртдан таълим олди. 1967-1977 йилларда Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида муҳандис-конструктор сифатида фаолият кўрсатди.

1977 йилда ҳаётида катта ўзгариш юз берди.

— Дастлаб Республика соғлиқни сақлаш ходимлари касабга уюшмасида техник инспектор лавозимига ишга қабул қилиндингиз, — дея хотирлайди Рустам ака. — Уша вақтдаги соғлиқни сақлаш ходимлари Марказий кенгаши раиси муовини Мария Белскаяннинг йўл-йўриқлари сира ёдимдан чиқмайди. Ҳар 3 йилда бир марта малака ошириш курсларида ўқиб, билимимизни оширадиган ва махсус комиссия томонидан аттестациядан ўтганимиздан кейингина ишга қўйиларди. Энди ўйлаб кўрсам талаб ниҳоятда каттиқ экан.

Бу ҳам Рустам Шокаримовни тинмай ўқиб-ўрганишга ундади. Устозларидан маслаҳат олди. Унинг тиришқоқлиги ҳамда қатъиятчилиги ниҳоятда асқотди.

Бир йили уни туманга хизмат сафарига жўнатишди. Шифохонадаги аҳвол билан танишди. Камчиликлар ҳақида мутахассисларни оголдиштирди. Махсус кир қовиш цехига кирди-ю, хайрон қолди. Бинода ишлаш учун умуман шароит йўқ, тўқилай деб турарди.

Рустам ака таваккал қилди — туманининг биринчи раҳбари қабулига кирди. Биргалишиб бинони кўздан кечиришди. Аҳолини қўриб раҳбар мулзам тортди ва Рустам акадан узор сўради:

— Тез орада бартараф этамиз, икки соатда бульдозер бинони бузиб, эртдан қурувчилар иш бошлашди, сизга сўз бераман, — деди у.

Эртасига Рустам ака пойтахтга қайтди. Орадан кўп ўтмай туман раҳбари унга телефон қилиб, замонавий кир қовиш цехи қўриб битказилиб, ишга туширилганини тўғрисида ахборот берди.

Бундай мисолларни Рустам ака Андижон вилоятидан истаганча келтириш мумкин. Бу воқеага ҳам анча бўлди. У Фаоллар йўналишида хизмат сафарига бўлганида тиббиёт бинолари баъзи носозликлар билан фойдаланишга топширилганини кўрди. Уша вақтдаги вилоят раҳбарлари ҳатто касабга уюшмалари тармоқ кенгашининг меҳнат муҳофазаси бўйича мутахассисини биноларни қабул қилиб олиш комиссияси таркибига киритишни ўзларига эп кўришмаганди.

1990 йил 30 майда Москвада чоп этиладиган «Медицинская газета»да Рустам Шокаримов имзоси билан танқидий мақола эълон қилинди. Орадан кўп ўтмай, барча камчиликлар бартараф этилди.

2005 йилда чоп этилган меҳнат муҳофазасига оид қўлланма ҳам ана шу саъй-ҳаракатлар натижаси дейиш мумкин.

— Меҳнат муҳофазаси мутахассиси корхонадаги аҳвол билан танишганда, у ердаги камчиликларни аниқлаб, бартараф этиш учун раҳбариятга тақдимнома киритди. Агар бу ишга маъмурият чин дилдан киришса, қанча жароҳатланишлар, ҳаётдан барвақт кўз юмишларнинг олди олинди, — дейди қаҳрамонимиз. — Лекин бахтга қарши ҳеч бир олийгоҳда меҳнат муҳофазаси мутахассиси тайёрланмади. Бу ишда амалиётда ортирилган тажриба қўл келди. Шу боисдан ҳам бундай мутахассисларни тарбиялаш иш жараёнида кечеди.

Қанчалардир шогирд бўлган Рустам ака айни вақтда устозлик макрамида. Республиканинг қайси вилоятида бўлган, албатта унинг шогирдларини учратасиз. Қорақалпоғистон Республикасида Камолатдин Ауёзов, фарғоналик Мардонкул Эгамов ва бошқалар шулар жумласидандир.

Кўни кеча Рустам акани ҳурмат-эҳтиром билан пенсияга кузатиб қўйишди. У шунча йиллар ёнма-ён ишлаб ота-болодек бўлиб кетган қадрдон жамоасини қанчалар суйишини яна бир қарра ич-ичидан ҳис этди. Рустам ака бахтли хонадон соҳиби. Турмуш ўртоғи Валида Умархўева билан 3 нафар фарзандни тарбиялаб волега етказишди. Уғиллари Равшан ва Фарҳод ҳамда қизи Умида турли соҳаларда меҳнат қилишпти.

Беихтиёр ҳаёлимизда бир фикр айланади. Ҳа, инсон умри беҳуда ўтмаслиги керак. Шунда у ўзини бахтли ҳисоблайди.

Неъмат РАФИҚОВ, «Ishonch» мухбири

Бошланғич ташкилотларда

Аҳмад Эргашев ЎЗМУ Ўзбек филология факультети касабга уюшмасига 3 йилдан бун сардор. У тенгдошлари орасида ташкилотчилиги, жамоатчилиги ва иқтидор билан ажралиб туради. Шундан бўлса керак, 2011 йилда Таълим ва фан ходимлари касабга уюшмаси Марказий кенгашининг махсус стипендияси совриндори бўлди. У талабаларнинг моддий, маънавий, ижтимоий аҳволи билан яқиндан танишиб, имкон қадар ёрдам кўрсатишга ҳаракат қилади.

Эътибор самараси

Шунингдек, талабалар турар-жойларида яшовчи кам таъминланган талабаларни аниқлаш, уларга моддий ёрдам бериш ишларига алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Жумладан, жорий ўқув йилида 1 нафар талабанинг йиллик шартнома пули тўлаб берилди, бир неча талабага ёрдам пули ажратилди.

Бундан ташқари, етакчи саъй-ҳаракати билан ногирон, ота-онасиз ва боқувчисини йўқотган ҳамда кам таъминланган талабалардан 40 нафари турар-жой билан таъминланди. Оилали талабалар ҳам эътибордан четда эмас, туғилган фарзандларига суюнчи пуллари ажратилди. Шунингдек, 43 нафар талаба Тошкент Давлат техника университети қошидаги санаторий-профилакторийда соғломлаштирилди.

Яқинда университет Маданият саройида ЎЗМУ хотин-қизлар кўмитаси билан ҳамкорликда қизлар ўртасида факультетлараро «Латофат» кўриктанлови ўтказилди. Уюшма факультет қатнашчисининг иштирокини таъминлашга эътибор қаратиб, уни моддий, маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлади. Фойдаликини қўлга киритган иштирокчи уюшма томонидан тақдирланди.

Фаол талабаларнинг номзоди доимий равишда университет касабга уюшмаси стипендиясига қўйилади. Бугун факультетда 5 нафар талаба стипендия совриндори. Бундан ташқари, касабга уюшмаси факультет ва университет миқёсида ўтказилган мусобақаларда спортчи талабаларнинг иштирокини таъминлаш, театр, кино ва концертларга чипталар олиб бериш, турли саёхатлар уюштиришда жонбозлик кўрсатиб келади.

Яқинда университет талабалар касабга уюшма кўмитаси томонидан бир қанча иқтидорли талабаларнинг Самарқанд шаҳрига саёхати уюштирилди. Улар сафида факультет касабга уюшма аъзолари ҳам бўлиб, талабалар бир олам таассуротга эга бўлиб қайтишди.

Камола КЕНЖАЕВА, ЎЗМУ талабаси

Соғлом она — соғлом фарзанд



Суратда: Марғилон шаҳар тугруқ мажмуаси чақалоқлар шифокори Ойгул Жўрабоева. Муҳимжон ҚОДИРОВ (ЎЗА) олган сурат

180 ўринга мўлжалланган Марғилон шаҳар тугруқ мажмуасининг ҳомиладор аёллар касалликлари, гинекология ва тугруқ бўлимида оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, туғиш ёшидаги аёлларни соғломлаштириш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда. Ҳар вақтда қўрилаётган чора-тадбирлар оналар ўртасида буйрак хасталиги ва камқонликни самарали даволашда муҳим омил бўлаётди. Мажмуада янги туғилган чақалоқлар соғлигини назорат қилиш учун барча қўлайликлар яратилган. Чақалоқлар ҳароратини меъёрлаштирувчи замонавий аппарат, мудатидан аввал туғилиш ҳолатларида тўдақлар саломатлигини муҳофаза қилишга мўлжалланган замонавий тиббий ускуналар шифокорлар ишида жуда қўл келмоқда.

Ёшлар заводда

(Давоми. Боши 1-бетда)

— Ўқувчилардаги иштиёқ биз мутахассисларни ҳам уларга эътиборли бўлишга ундамоқда, — деди заводнинг филтрлаш бўлимининг бошлиғи, корхона томонидан бириктирилган амалиёт раҳбари Алихон Бўронов. — Айни пайтда заводимизда туман худудидан жойлашган Деҳқонобод агросаноат, Деҳқонобод транспорт ва агробизнес, Деҳқонобод саноат, Деҳқонобод саноат ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежлари ўқувчилари амалиёт машғулотларида қатнашмоқда.

— Коллежларнинг 190 нафар ўқувчиси билан ишлаб чиқариш ва 90 нафари билан дипломолди амалиётларни ўташ учун икки томонлама шартнома тузилди, — дея сўхбатга қўшилди заводнинг кадр-

лар тайёрлаш бўйича етакчи мутахассиси Раҳим Алибоев. — Амалиёт даврида ҳар бир тажрибали устага уч нафардан ўқувчи бириктирилади. Ҳар пайшанба кўни мутахассисларимиз коллежларга бориб, соҳа ўқувчилари ва толиби илмларга дарс ўтишади. Иккинчи курс ўқувчиларидан олинган иншо-ларга қараб, уларнинг қайси бўлимида ишлашга лаёқати борлигини аниқлаймиз ва шу асосда келгуси йил учун дипломолди мавзуларини белгилаймиз.

— Коллежимизда 1053 нафар ўқувчи еттига йўналишда тахсил олишяпти, — деди Деҳқонобод агросаноат касб-хунар коллежи директори Холтўра Раҳматов. — Деҳқонобод қалий заводи билан ҳамкорликнинг йўлга қўйилгани, коллежнинг корхонага кичик мутахас-

сислар тайёрлаб берадиган таълим муассасаси сифатида белги-ланиши ўқувчи ва ота-оналарнинг муассасамизга бўлган қизиқишини тубдан ўзгартирди. Бундан ташқари, завод раҳбариятининг талабига кўра, 2011-2012 ўқув йилидан коллежда «Фойдали қазилмаларни бойитувчи», «Ерости конларидан фойдали қазилмаларни қазиб олиш техникаси», «Автоматика воситалари ва назорат-ўлчов асбобларини монтаж қилиш, ишлатиш ва хизмат кўрсатиш техникаси» йўналишларида қабул йўлга қўйилди. Муассасамиз имконияти ва педагоглар салоҳияти юқори. Демак, янги йўналишларда ҳам зукко, билимли кичик мутахассисларни тайёрлаб бера оламиз.

Акмал АБДИЕВ, «Ishonch» мухбири

Мутахассис минбари

Хозирги кунда Ўзбекистонда 5 мингга яқин жамоат бирлашмалари ва ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда. Бу рақамлар нодавлат нотижорат ташкилотлари жамият таркибининг ниҳоятда муҳим бўлишига айланиб бораётганлигидан далolat беради. Айниқса, бу тизимда касабга уюшмалари муҳим ўрин тутади. 1992 йилнинг 2 июлида «Касабга уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилиниши ва ушбу қонуннинг 1992 йил 29 июлда кучга кириши соҳанинг ривожланиши учун асосий ҳужжат бўлиб хизмат қилмоқда.

Мустақил нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини янада ривожлантириш ҳамда уларнинг мамлакатда демократик ўзгаришларни амалга ошириш ва жамиятни эркинлаштиришда фаол иштирок этишига кўмаклашиш, молиялаштириш манбаларини шакллантириш учун мустақил тизим ва объектив шароитлар яратиш мақсадида Олий Мажлис қонунчилик палатаси ва Сенати Кенгашларининг 2008 йил 3 июлда бўлиб ўтган қўшма мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондиди, шунингдек, Фонд маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясини тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, касабга уюшмаларининг маблағлари уюшма аъзоларининг кириш ва ҳар ойлик аъзолик бадалларидан, ишлаб чиқариш-хўжалик, ноширлик ва қонунда рўхсат этилган бошқа фаолиятдан тушган тушумлардан шакл-

Касабга уюшмаларининг жамиятдаги ўрни

уларнинг мулкчи муносабатларини тартибга солиш орқали мустаҳкамланади

лантирилади. Улар амалдаги қонунларга биноан мулкдор ҳуқуқида маблағлар ва мол-мулкларга эгалик қиладилар, фойдаланадилар ва тасарруф этадилар. Кўриниб турибдики, мазкур ташкилот шунчаки ташкилот бўлиб қолмасдан, мулкка эга бўлган нодавлат ташкилоти сифатида муайян нуфузга эгадир. Бу маблағлар уларнинг иқтисодий асосини ташкил қилади ва барча ижтимоий тадбирларни амалга ошириш манбаи ҳисобланади.

Касабга уюшмаларининг аъзолик бадаллари ойлик иш ҳақининг бир фоизидан кам бўлмаган миқдорда

белгиланади. Касабга уюшмаларида ҳисобда турадиган ишламайдиган пенсионерлар, вақтинча ишини тўхтатган шахслар белгиланган энг кам пенсия, иш ҳақининг бир фоизи миқдоридан бадал тўлайдилар, 3 ёшгача бўлган фарзанд тарбияси билан банд бўлган аёллар бадал тўлашдан озод қилинади. Бу мазкур ташкилотнинг фаолияти ижтимоий муҳофазага йўғрилганлигидан далolatдир.

Касабга уюшмаси аъзоси бўлган деҳқон (фермер) хўжалиқларнинг эгалари ва яқна тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланадиган

шахслар аъзолик бадалларини йилга бир марта, ўзлари даромад декларациясида кўрсатган сумманинг бир фоизи миқдоридан тўлаш кўзда тутилган. Бундан ҳам кўриниб турибдики, унинг аъзоси бирор соҳада ҳам эътибордан холи қолган эмас.

Ташкилот тўпланган маблағла-

ўз корхоналари ва қўшма корхоналарни барпо қилиш, мақсадли фондлар ташкил қилиши мумкин. Бу фаолиятдан келиб тушадиган даромадлар Устав талабларига биноан сарфланади. Демак, касабга уюшмаларига қўшимча маблағ топиш учун ҳам катта имконият яратилган.

ташкilotлари эгалик қилади, фойдаланади ва тасарруф этади.

Ташкилотлар касабга уюшмалари мулкчини акциядорлик жамиятига айлантириш, сотиш, ижарага бериш масалаларини ҳал этишда фақат Федерация кенгаши раёсатининг рўхсати билан иш қўради. Ижарага бериш муддат, амалдаги тартибга биноан, касабга уюшмаси мулкнинг ваколатли мулкдори сайланган муддат билан чегараланади. Бу тартиб касабга уюшмалари мулкчининг сақлиниши ва самарали фойдаланиши учун шароит яратди.


Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, касабга уюшма органларида молиявий фаолият, солиққа оид қонунларга риоя этилиши устидан назоратни қўнайириш мақсадида мунтазам равишда аудиторлик текширувлари ўтказиб турилади. Бу — нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолиятини нодавлат ташкилоти томонидан назорат қилинишидир. Юқоридагилардан кўриниб турибдики, жамиятда амалга оширилаётган қўпгина ишлар ижтимоий-иқтисодий ҳаёtimизда ўзини ўзи бошқарадиган нодавлат нотижорат ташкилотлари зиммасига юклатилган. Шу тарих уларнинг мамлакатимизда давлат ва жамият қурилишидаги ўрни ва роли ошим бораверади.

М.ПАРДАЕВ, иқтисод фанлари доктори, профессор. С.ЖАББОРОВ, Самарқанд вилоят касабга уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг молия бўлими мудири

2011 йил — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили

Узун туманидаги «Обизаранг» дарёси бўйида жойлашган бозорда ҳафтанинг ҳар куни савдо-сотик авжида. Маҳаллий аҳоли бу бозорни «Сарбозор» деб аташади. Бозорга нафақат туман ҳудудидан, балки олис-олис манзиллардан ҳам савдогарлар хилма-хил маҳсулотлар келтириб сотиши туфайли нарх-наво бошқа жойлардагидан, хусусан, Сарийосиё тумани бозорларидан арзон. Айнан шу сабаб Сарийосиё тумани аҳолиси ҳам бозор-ўчар қилгани Сарбозорга келишади.

14 минг бош парранда парваришляётган йигит



да бўлган Алишер тенги ўсмирларнинг айримлари хамон ота-она қарамоғида яшамокда. Алишер эса

Бозорнинг парранда маҳсулотлари, хусусан, тухум растасини айланб юрганимизда, йирик-йирик, оқ, қизил, сариқ рангли тухум сотиб ўтирган аёлнинг чак-қон савдоси диққатимизни тортиди. Тухумлар худди бўёқлаб кўйилгандек эди. Ҳамма шу аёлдан савдо қиларди. Қизиқишимиз ортиб, сотувчи аёлдан бу тухум қайси фабрикада етиштирилётганини сурштирдик.

— Тухум фабриканки эмас. Бир тадбиркор товуқбоқар боққан товуқларники, — деди сотувчи аёл. — Ҳар куни менга 200-300 дона тухум ташлаб кетишади. Кечкурунчага сотиб, пулини тахлаб қўяман, ўзим ҳам манфаатдор бўламан. Агар товуқбоқар тадбиркорни кўрмоқчи бўлсангиз, шундоққина поезд йўлдан ўтиб, «Меҳнат» маҳалласига борасиз.

Маҳаллага бориб оқсоқолдан товуқбоқар тадбиркорни сўрадик, уяли телефонига кўнгирик қилиб, дарҳол топиб беришди. Алишер Қурбоновни илк бор кўрган киши, шу йигитга 14 минг бош парранда парваришляётганига сира ишонмайдим. Мўйлови энди сабаз урган, жусаси кичикроқ, ёши ўн тўққиз

Қурбонов, ветеринар-врач Рустам Мелиев унга далда беришди, кўмаклашди, билмаганларини ўргатишди. Дастлабки пайтлар тадбиркор жониворларни боқиш учун дон-дун, дори-дармонни бозор ва ветеринария дўконларидан харид қилди.

— Утган йилнинг ўрталарида республика «Паррандасаноат» уюшмасидан вазил келиб, хусусий корхонамизни ўзларига аъзо қилиб олишди. Уюшманинг тадбиркор паррандабоқарларга ёрдам беришига отам кўп ҳам ишонмаганиди. Аммо уюшманинг бизга ангина ёрдами тегди, — дейди Алишер Қурбонов. — Уюшма кўмағида Косон ё-мой комбинатидан биржа савдоси орқали 9 тонна соя шротини олдим. Бундан ташқари, товуқларимиз учун 10 тонна бугдой ажратилди. Албатта, бу маҳсулотларни бозор нархидан арзонга келтирдик...

Фақат омухта ем, дон-дун билан кўп тухум оломаслигини яхши англаб етган тадбиркор Каттақўрғондаги «Қуруқ ем» фирмасидан гўшл-сўя унини, республикадаги бир қатор ишлаб чиқарувчи корхоналардан қунгабоқар, зирғи ва пахта шротини, Тошкентдаги «Биовектор» МЧДдан парранда маҳсулдорлигини оширишга хизмат қиладиган ва касалликларини бартараф этадиган турфа витаминлар ва дори-дармонлар, Тошкент вилоятидаги «Омонулла бизнес» хусусий корхонасидан бадиқ уни ва ёғини етарлича кел-

тириб, товуқларни намунали парваришлямоқда. Айнан шу сабаб ўтган йилнинг беш ойида 18 мингдан зиёд тухум етиштирилиб, аҳоли дастурхонига етказиб берилди. Йил якунига кўра 4,5 млн. сўм соф фойда кўрилди.

Ёш тадбиркорнинг паррандачиликка ихтисослашган хусусий фирмаси туфайли қишлоқдошларидан 5 нафар хотин-қиз ишли бўлди. Бугун Лобар Ниёзқулова, ола-сингил Холита ва Феруза Норбоева, Мунаввар Қурбонова-лар товуқларни яхши парваришляб, кўплаб тухум етиштириш ба-робарида ўзлари ҳам мўмай даромадга эга бўлишади.

Тайёр маҳсулотнинг бир қисми бюджет ташкилотлари, мактаб-интернатлар, мактабга таълим муассасаларига шартнома асосида етказиб берилаётган бўлса, қолгани бозорга чиқарилиб, аҳолига сотилапти. Бу эса ишлаб чиқарувчиларнинг кучига, гайратига-райрат қўшиб, янада кўпроқ тухум етиштиришга руҳлантиришда. Соҳадан топилаётган даромад жамоа аъзоларини қониқтираётгани боис ўтган йилнинг охирида тадбиркор Самарқанддаги қўшма корхонадан «Ломан браун» зотли парранда жўжаларидан яна 10 минг дона келтирди. Хозирда жўжалар белги-ланган рақсон асосида парваришлянапти.

бамиз етарли, — дейди Алишер. — Парранда парвариш қилиш жараёнида шуни англаб етдикки, электр энергиясиз паррандачиликни ривожлантириб бўлмайди. Қоруну бостирмаларда парваришлянаётган жониворларга биринчи навбатда электр ёруғи шарт. Қиш фаслида электр энергияси билан товуқхоналар иситилса, ёзда хоналар ҳароратини мўътадиллаштирадиган шомол-латиш тизими электр энергиясиз ишламайди. Чўки, товуқхоналардаги 10-15 минг жонивор танасидан чиқадиган иссиққа чидаб бўлмайди. Электр энергияси тез-тез ўчирилатгани туфайли товуғу жўжаларимизнинг бир қисми нобуд бўлапти, маҳсулдорлиги пасайишмоқда. Туман электр тармоқлари корхонаси раҳбарлари билан маслаҳатлашиб, ўтган йили ҳамма хонадонлар ҳисоблагичини мансублик чегарасига ўрнатдики. Маҳалла оқсоқоллари, бизга ўша тадбиркор ва ишбилармонлар ҳамда аҳолининг кўллаб-қувватлаши эвазига маҳалла ҳудудидан аҳоли хонадонлари, хусусан, товуқхонамиз электр энергияси билан улуқсиз таъминланадиган бўлди. Афсуски, чеклов баҳонасида яна ҳар куни соатлаб ўчириш давом этапти...

Ҳа, ниятлари улғу, мақсадлари катта ёш тадбиркорни ташвишлантираётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Муҳими, у изла-нишда. Демак...

АКАДЕМИК АЛЕКСЕЙ ГЛУШЧЕНКО



Ўзбекистон илм-фани оғир жудолука учради. Машинасозлик механикаси соҳасидаги йирик олим, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги Алексей Данилович Глушченко 77 ёшида вафот этди.

А.Глушченко 1934 йилда туғилган. 1958 йилда Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институтини тугатиб, Тошкент тепловоз-вагон таъмирлаш заводи устаси вазифасида иш бошлади. 1960 йили Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институти аспирантурасига ўқишга кирди. 1964 йилда номзодлик, 1971 йилда эса докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. 1984 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси этиб сайланди.

А.Глушченко ўзининг 50 йилдан ортиқ илмий-педагогик фаолияти давомида Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институти доценти, кафедра мудири, профессори, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти бўлим бошлиғи, лаборатория мудири, Ўзбекистон Фанлар академияси президиуми аъзоси каби лавозимларда самарали меҳнат қилди ва юртимизда муҳандис-механик кадрлар тайёрлаш ишига муносиб ҳисса қўшди.

Йирик олим темир йўл транспорти ва пахтачилик машинасозлиги соҳасига бағишлаб ёзилган ўндан ортиқ монография, кўплаб илмий мақола ва рисола, 50 та патентлик иши муаллифи сифатида кенг жамоатчиликка яхши маълум.

Заҳматкаш олим жонқуяр устоз сифатида кўплаб ёшларга илм-фан сирларидан сабоқ берди. Унинг бевосита раҳбарлигида ўнга яқин фан доктори ва ўттиздан ортиқ фан номзоди тайёрланди.

Таниқли олим, меҳрибон устоз, камтарин инсон Алексей Данилович Глушченконинг ёрқин хотираси қалбимизда ҳамisha сақланиб қолади.

И.Каримов, И.Собиров, Д.Тошмухамедова, Ш.Мирзиёев, А.Арипов, Ш.Солиқов, Б.Бондаренко

Давра суҳбати

Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Қорақалпоғистон Республикаси бўйича вакиллик қошида тузилган Хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси ва Ёшлар кенгаши томонидан «Санъат, гўзаллик ва ишбилармонлик» мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Тадбирга ёш тадбиркорлар — «Онермент» маркази раиси Айзода Нурибетова ва «Саодат» хусусий тикув цехи раҳбари Саодат Айтимова тақдир этилди.

Санъат, гўзаллик ва ишбилармонлик

Давра суҳбатида вакиллик қошида тузилган Ёшлар кенгаши ва Хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида тўлиқ маълумот берилди. Ёш тадбиркор А.Нурибетова қорақалпоқ халқининг урф-одатлари ва миллий либослари ҳақида алоҳида тўхталиб, ҳар бир нақшнинг ўзига хос маъносини борлигини изоҳлаб берди. Масалан, унутилиб бораётган «қўчкор мўйиз», «чаён нақш», «қумирсқа бел», «тўтиё табон», «тикеш нақш», «карели гул», «қармоқ нақш»ларида қорақалпоқ халқининг миллийлиги ифода этилади. Бугунги кунда ёш тадбиркор аёллар замонавий кийимларга миллийликни сақлаган ҳолда янгилик киритиб келмоқда.

Суҳбат давомида «Саодат» хусусий кичик тикув цехи бошлиғи Саодат Айтимова замонавий усулда тикилаётган миллий кийимлар, рўзгорда фойдаланиладиган анжомлар тўғрисида қатнашчиларга тўлиқ тушунча берди. Узи ишлаётган цехга асосан ёшлар жалб этилиб, касаначиликни ривожлантириш бўйича олиб бораётган ишларга тўхтади. Шу мавзуга тегишли видеороликлар намойиш этилди.

Давра суҳбати давомида қатнашчилар миллий либослар, нақшлар бўйича ўзларини қизиқтирган саволларга тўлиқ жавоб олдилар.

Г.МАМУТОВА, Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Қорақалпоғистон Республикаси бўйича вакиллик бўлими мудири

Ишнинг кўзини билганлар

Сурхон воҳасида ҳар бир қути ипак қуртидан 70 килограммдан зиёд сифатли «қумуш тола» етиштирадиган номдор пиллачилар кўп. Шундайлар меҳнати ҳисобига 2009 йилда 1200, 2010 йилда 1500 тоннага яқин «қумуш тола» хирмони яратилган. Айни пайтда улар етиштирган пилла 1500 тоннадан ошди.

2009 йилга қадар пиллакорлар хомашё тайёрлаш билангина банд бўлиб, хосилнинг ҳар килограмми учун арзимас ҳақ олишарди. Бироқ уни хомашё ҳолида эмас, аксинча қайта ишлаб сотиш 2-3 баробар кўпроқ даромад келтиришини ҳаётнинг ўзи исботлади. Мутахассисларнинг фикрича, 3 килограммдан 1 килограмм қуруқ пилла олинади. Бу нари борса, 6000-7000 сўмга баҳоланади. Бир килограмм қуруқ пилла қайта ишланиб, тайёр маҳсулот сифатида бозорга чиқарилса, 25-28 минг сўмга айланади.

Хуллас, 2009 йилда етиштирилаётган пилла хомашёсини қайта ишлаш сари ҳарақатлар бошланди. Тадбиркор Абдулла Холтўраев ташаббуси билан Термиз шаҳрида пиллани қайта ишлайдиган «Сурхон-Термиз Силк» корхонаси ташкил этилди. А.Холтўраев бошлиқ мутахассислар Бухоро, Марғилон пиллачилик фабрикалари ҳамда Наманган ипак йиғирув корхонасига бориб тажриба ўрганишди. Сўнг совиқ «Умид» ти-

кувчилик фабрикаси заминига пиллани қайта ишлайдиган корхона ташкил қилишга киришилди. Хитойдан замонавий технология келтирилди. Бухона, қозонхоналар, қуриш цехлари барпо этилди. Бухоро пиллачилик фабрикасидан Бешим Тилолов бошлиқ 20 нафар тажрибали ишчи тақдир этилиб, икки-уч ой ичида ёшларга касб сирларини ўргатишди. Шу тариқа корхона 2009 йил сентябр ойдан бошлаб фойдалан қўрсата бошлади. 2010 йилда 3 миллир. сўмлик маҳсулот ишланди.

Тайёр маҳсулотлар «Ўзбек ипаги» бирлашмаси орқали ички бозорга чиқарилди, хорижага жўнатилди. Пиллани қайта ишлаш жараёнида тўпланаятган чикнидиларни Тошкент, Қашқадарё, Бухоро вилоятларини балиқчилик ва паррандачилик корхоналарига сотиш йўлга қўйилди. — Корхонамизда 400 нафарга яқин ишчи-хизматчи ва мутахассислар астойдил меҳнат қилишапти. Ҳатто улар харажатлар-

ни камайтириш мақсадида изланишлар олиб боришапти. Маҳсулотларимизга хозирданок Италия, Туркия, Эрон, АҚШ ишбилармонлари харидор бўлишапти, — дейди корхона раҳбари А.Холтўраев. — Иш 3 навбатда ташкил этилган. Корхона мамырияти ва бошлангич касаба уюшма кўмитаси ҳар бир ишчига қулай шартит яратиб қораларини кўрапти. Бунда 2009-2011 йиллар учун мўлжаллаб тузилган Жамоа шартномаси кўп келмоқда. Ишчиларнинг ишга келиб-кейтиши учун корхонага тегишли автобуслар хизматда. Ҳар бир цехда дам олиш хоналари бор. Ҳар бир семна ишчилари учун бир маҳал иссиқ овқат берилади. Маошлар ўз вақтида тўланади.

— Корхонамиз иш бошлагандан буён Термиз шаҳрида яшовчи юзлаб хотин-қизларнинг рўзгорига барака кирди, — дейди оддий ишчи, вилот касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси раёсат кенгаши аъзоси Шохиста Эргашева. Мамурият пиллани қайта ишлаш билан чегараланмай, даромад топишининг турли йўллари излапти. Жумладан, Марғилон-

дан бир неча тажрибали мутахассис жалб этилиб, атлас ва адрас тўқиш йўлга қўйилди. Натижада яна 20 нафарга яқин хотин-қизнинг бандлиги таъминланди. Бундан ташқари, ипак калавадан пилла тўқилмоқда. Корхонанинг мутахассис ва ишчиларидан бир гуруҳи самарқандлик ҳамкасбларидан гилам тўқиш, табиий ранг бериш сирларини ўрганиб қайтарган эди. Рўзигул Қўллуева бошлиқ қизлар тўқийдиган «Термиз гилам»лари барчани мамнун этапти.

Ишнинг кўзини билган А.Холтўраев шулар билангина чеклиниб қолгани йўқ, Вилотга ипак қурти руғи қўшни вилотдан келтирилди. Тадбиркор бунинг ҳам йўлини топди. Хитойлик ишбилармонлар билан ҳамкорликда «Аму — Қашқар» қўшма корхонаси ташкил этилди. Эндилликка ипак қурти руғи шу ернинг ўзида тайёрланадиган бўлди. Айни чоғда улар сабзавот маҳсулотлари қуриштириш йўлга қўйиш борасида ҳам изланишлар олиб боришапти.

Рустам ДАВЛАТ, «Ishonch» мухбири

Аниқ ёдида, ўшанда Боймурод бешинчи синфда ўқир, авжи кўклар эди. Тенгдош жўралари билан адирда қўй боқиб, чиллик ўйнардди. Бир пайт мовий осмонда гумбирлаган овоз билан самолёт учиб ўтди. Болалар бир зум унга қарашди-да, яна ўйинни давом эттиришди. Фақат Боймуродгина «темир қуш» учиб кетган осмондан узоқ вақт кўзини узолмади. «Катта бўлсам, учувчи бўламан», деб кўнглига тугиб қўйди у.

Шу-шу болакайнинг ўйлагани самолёт бўлиб қолди. Мактаб кутубхонасидан машҳур учувчилар ҳаётига бағишланган китобларни қолдирмай мутулаа қилар, «учувчи бўлмоқ учун нима қилиш керак?», деган савол билан муаллимларнинг бошини қотирарди. — Ушанда унга илк бор жўяли жавоб айтганлардан бири раҳматли Ботир ака Жўраев бўлди. Рус тили ва адабиётдан дарс берадиган бу муаллим унга шундай деганди: — Учувчи бўлмоқ учун энг аввало, фақат аъло баҳога ўқимок ва албатта, спортчи бўлиш керак, ука. Лекин масаланинг бошқа томони ҳам бор... Шунча йил шаҳарда юриб, ўзимиздан чиққан ҳарбий учувчиларни кўрмадим. Эҳтимол битта-яримта бордир...

Боймурод қайтиб кетди ва кута бошлади. Кунлар ўтаверди, аммо комиссариятдан у кутган мўжда келмади. Бир куни ҳарбийдан қайтган ҳамқишлоғи уни кўчада учратиб: — Ука, биласан, мен яқинда армиядан келдим. Биз томондан борганларга муносабат сал... бошқача. Шунинг учун, ука, учувчи бўламан, деган хомжаёлни миянгдан чиқаргин-да, билиминг занг босмасдан бирорта ўқишга кир. Яна ҳам ўзинг биласан, — деди. — Боймурод қишлоқдошнинг сўзларини обдон ўйлаб Тошкентга жўнади. Рус тили ва адабиёти олийгоҳига ўқишга кирди. Талабаларнинг ўқушун кунлари аста-секин ўтаверди.

Замондошимиз

деб ёзги таътилда пахсакашлик қилди, дўсти уста Эшмумин билан одамларнинг томини ёғди. Боймурод муаллимнинг яхши одати бор. Ҳеч қачон умдсизликка тушмайди, ўзини гоғтада ҳурмат қилади. Қачон қараманг оқ қўйлак, костюм-шарни, бўйинбоғ ва шляпада юради. Дарс қолдиришни ёмон кўради. Вақт топиб, энг сара китобларни ўқийди. Газета-журналлар эса унинг «хобби-си»га айланган. Баъзан дарсида ўқувчилардан «Келгусида ким бўлмоқчисан?» деб сураб қолади. Тижоратчи бўламан, таксичи бўламан, фермер бўламан деганлари қайқатпти-ю, бироқ учувчи бўламан, дегани ҳозирча чикмаяпти. Агар шундай бола топилса, унинг ишончи комил, ўзи тарбиялаб мустақиллигини шунисона бўлиб очиган Жиззахдаги учувчилар олийгоҳига олиб боришни кўнглида пинҳона ният қилган. Чекка Жонбўз қишлоғида Боймурод Суяров деган бир хайлараст муаллим яшайди. Мусабфо осмонимиздан гумбирлаб самолёт учиб ўтса, ўзининг олис болалик орзуларини ёдга олади... Уролбой КОБИЛ



Демократияни ўрганамиз

Давр ҳар нарсага ўз тузатишларини киритишга қодир. Асримиз бошида тўла ваколатга эга бўлмаган парламенти мақолатда демократик жамиятни барпо этиш мумкин эмаслиги яққол кўзга ташланиб қолди.



Машаққатли ва шарафли йўл

Биринчи давр ўз ичига 1991-1994 йилларни қамраб олади. Ушбу давр парламент деб аташ мумкин бўлган охириги қақриқ Олий Кенгаш давлат бошқаруви мутлақо янги органларини ташкил этишининг, адолатли демократик жамият қуришининг ҳуқуқий негизи бўлган Ўзбекистон Республикаси Конституциясини қабул қилди.

яқунларига бинотан 245 нафар депутатдан иборат таркибдаги парламент шакллантирилди. Сайлов кўп партиявийлик асосида ўтказилди.

Иккинчи давр — 1995-2004 йилларда Олий Кенгаш ўрнига Ўзбекистон Республикасининг бир палатали парламенти — Олий Мажлис шакллантирилди.

Мамлакатнинг қонун чиқарувчи органи мазкур босқичда давлат суверенитетини, фуқаролар тинчлиги ва ижтимоий барқарорликни мустаҳкамлашга, жамиятда демократик, ижтимоий-иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга кўмаклашадиган қонунлар ишлаб чиқиш ва қабул қилишга интилади.

Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси мамлакатни ислохот этиш ва модернизация қилишнинг давлатимиз бошлиғи томонидан олган суришган устувор йўналишлари ҳамда аниқ мақсадли вазифалари асосида ишлаб чиқилган 2005-2009 йилларга мўлжалланган қонунчилик фаолияти дастурини қабул қилди.

Ўнги хавфсизлиги Республика миёнда фаолият кўрсатаётган йирик санаот тармоқларининг узлуксиз ва самарали ишлашини таъминлашда ёнгидан ҳимоялаш масаласи муҳим ўрин эгаллайди.

Иқтисодий ривожлантиришда олий таълимнинг аҳамияти

Маълумки, таълим даражаси мамлакатнинг меҳнат ресурси, иқтисодий салоҳияти, хавфсизлиги, ривожланиш имкониятларини белгилайди.

Бугун дунёда давлат таълим соҳасини маблағ билан таъминлайди, бошқа субъектларнинг мазкур соҳага узоқ муддатли инвестициялари учун кафолат беради, устувор ихтисосликларни, мутахассислар тайёрлаш шакллари ва усуллари таъминлаш, таълимни ривожлантириш мақсадида солиқ имтиёзлари ва бозорини тартибга солишнинг бошқа шакллари қўлайди.

ханов номидаги иқтисодий академияси, И.М.Губкин номидаги нефть ва газ университети, М.И.Ломоносов номидаги Москва давлат университети, Турин политехника университети, Сингапур менежментни ривожлантириш институти каби дунёнинг нуфузли олийгоҳлари филиаллари ҳам бор.



лиги тўғрисида узоқ гапириш мумкин. Бунда таълимнинг иқтисодий табиати инсонда унга келажакда ўз меҳнатини яхши пулга сотиш, жамиятга эса одамларнинг янги билим ва қуникмаларидан фойдаланиш, меҳнат умумдорлигини ошириш ва янада сифатлироқ маҳсулот олиш имкониятини берадиган таълим капиталининг шаклланишида намоён бўлади.

Юлдуз АБДУЛЛАЕВА, Тошкент давлат иқтисодий университети 2-курс магистри

Машқда қийин бўлса...

Жумладан, мамлакатимиз ҳудудида жойлашган «Ўзбекнефтгаз» Миллий холдинг компанияси, «Ўзбекмиёсаноат» ДАК, «Ўзбекэнерго» ДАК ҳамда «Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати» ОАЖ тасарруфидаги корхоналарда гарнизон куч ва воситаларини жалб қилган ҳолда ёнги ўчириш амалий тактик машқлари ўтказилди.

Феруза ҚУРБОНОВА, Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЁХББ Бош мутахассиси, подполковник

Бугуннинг гапи

Интернет, телевидение, радио, матбуот. Буларнинг барчаси ахборот жамиятига хос. Ўз-ўзидан савол тугилади: «Биз қандай жамиятга яшаймиз?»

— Инсон ҳаётида ахборотнинг, билимлар ва инновацион технологияларнинг роли ортиб боради; — Ахборот технологиялари, коммуникация ва инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқарувчилар сони ортади; — Телефон, радио, телевидение, интернет тармоғисиз ҳаётини тасаввур қилолмайди-ган инсонлар тобора кўпаяди.

Биз қандай жамиятда яшамокдамиз?

Ушбу гуруҳга Европада кўзга кўринган эксперт Мартин Бенгамман раҳбарлик қилган. Бугунги кунда ахборот жамияти термини нафақат олимлар, балки сиёсатчилар, иқтисодчи, ўқитувчилар лексиконидида мавжуд эса ахборот жамиятининг режаси ишлаб чиқилади.

жамияти аъзосисиз. 2006 йилнинг 27 мартда БМТнинг Бош Ассамблеяси 17 майни Халқаро ахборот жамияти кунига эълон қилиш ҳақида резолюция қабул қилди.

Технология омили: ҳозир қаерга борманг, техника-технологиясиз ҳаётининг таъсирини ҳис қилмайди, ҳош жойингизда, ҳош таълим масканларидида, ҳаттоки мактабта таълим муассасалари ҳам юқори технологиялар билан таъминланган;

Иқтисодий омили: ахборот иқтисодиётда ресурс сифатида хизмат қилади, шунингдек, хизматлар, маҳсулотларга бўлган талаб ва тақий, уларга қўйилаётган нарх, буларнинг барчаси инновацион технологиялар асосида ривож топа-

ди ва отказилиб берилиши осонлашади; — Сиёсий омили: сиёсий жараёнда ахборотнинг очкилиги унинг ривожланишида муҳим рол ўйнайди; — Маданий омили: бирор бир жамиятнинг маданий ёлғорликлари қайси миллатга мансублиги, келиб чиқиши, менталитети ҳақида ахборот беради.

Ахборот-кутубхона фаолиятининг ҳуқуқий асослари

Ҳар қандай мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий юксалиши, хусусан фан, таълим ва маданият ривожини, турли соҳаларга оид зарур ахборотларни тезкорлик билан олиш имкониятига боғлиқдир.

Маълумки, мустақиллик йилларида барча соҳалар қатори ахборот-кутубхона фаолиятини такомиллаштиришга давлатимиз томонидан алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Кутубхона ишида фойдаланувчиларга ахборот-коммуникация технологиялари орқали сифатли хизмат кўрсатиш билан боғлиқ устувор вазифаларни амалга ошириш ва миллий электрон ресурсларни шакллантириш, улардан кенг фойдаланиш имкониятини яратиш мақсадида Президентимизнинг 2010 йил 27 январдаги «Баркамол авлод йили» Давлат дастури тўғрисидаги қарори 1-илговосида тегишли қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш белгиланган эди.

Хозирда мамлакатимизда 11 мингдан зиёд ахборот-кутубхона муассасаси фаолият кўрсатишмоқда. Уларнинг хизматидан 6 млн. 300 мингдан ортиқ китобхона ва ўқувчи фойдаланиб келмоқда. Юртимизнинг 83 млн.6 минг бирликдаги жами адабиёт фондидан 3.5 миллионга яқин электрон кўринишда шакллантирилган эса улардан янада кенгроқ фойдаланиш имконини бермоқда.

Ахборот-кутубхона институтлари фаолиятида хизмат кўрсатишнинг замонавий шакллари ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилишнинг ижобий натижаларига қарамасдан, улар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик, фойдаланувчиларнинг эҳтиёжларини қондириш ҳамда ахборот-кутубхона ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича иш олиб боришни тизимли тарзда йўлга қўйиш эҳтиёжи юзага келди.

28 та моддани ўз ичига олган қонун 7 бобдан иборат бўлиб, унинг 1-бобида мамлакатимиз ва халқаро кутубхона тажрибасига асосланган ҳолда, ахборот-кутубхона фаолиятида фойдаланиладиган асосий тушунчалар ва ахборот-кутубхона фаолиятининг асосий принципларини белгилаб берадиган тўртта модда ўрин олган.

Э.НАЖМИДИНОВ, Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузурдаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти етакчи илмий ходими

ши ҳеч гап эмас. Тўғри, ахборот жамиятида яшаш қўлай, аммо танганинг икки томони бўлганидек, унинг салбий томонларини ҳам инкор этиб бўлмайди.

лики йўқолиши деб қаралади. Ахборот кўпайган сари кичик гуруҳларнинг сон жиҳатдан 10 баробар кўп бўлган одамларга таъсир кучи ортиб боради. Ушбу таъсирлардан бирини бугунги кунда ОАВ да ёритилаётган террорчи гуруҳлар мисолида айтишимиз мумкин. Замонавий терроризм жамиятнинг ахборотлаштириши ва барқарорлигини пасайиши натижасида юзага келган, десак янглишмаймиз. Ахборот жамиятида барқарорликнинг ролини ошириш учун бугунги кунда кўпгина мамлакатларда биометриядан фойдаланиш кенг тус олмақда. Биометрия инсонларнинг шахсини аниқлаб олувчи автоматларни яратиш

Ахбор ЭРГАШЕВ, Республика Маънавий-тарғиб маркази масъул ходими

ҚИРҚИШ ЧИЗИҒИ

Йўлланмалар:
— бир киши санаторийда даволаниши учун;
— она (ота) боласи билан санаторийда даволаниши учун;
Ижтимоий сугурта маблағлари ҳисобидан сотиб олинган йўлланмалар бўйича даволаниш муддати — 14 кун.

3. Янгидан фойдаланишга топширилаётган (қайта қурилаётган) санаторийларга йўлланмалар, улар даволанувчиларни қабул қилишга ҳақиқатда тайёр бўлган вақтдан бошлаб чиқарилади. Қўшимча чиқарилган йўлланмалар ҳудудий касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмалари (бундан буён матнда «бирлашма» деб юритилади) билан олдидан келишилган ҳолда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсати қарори билан тақсимланади. Йўлланмада «қўшимча» штампи қўйилмади.

Санаторий-курортлар бошқармаси томонидан келгуси йил учун йўлланмалар чиқариш режаси Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашига жорий йилнинг 1 сентябрга қадар тақдим этилиши лозим.

4. Бирлашмалар ҳар йилнинг 15 августига қадар Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашига келгуси йил учун санаторийлар бўйича, чоракларга муносиб тақсимланган (мавсумий эҳтиёжни назарда тутиб) жамлама талабнома тақдим этилиши лозим.

4.1. Ҳар бир касаба уюшма кўмитаси, касаба уюшма кўмитаси тузилмаган жойларда эса ижтимоий сугурта бўйича комиссияси йўлланма олиш учун навбатда турган ходимларни рўйхатга олиш китобини юритади. Навбатда турган ходимларни рўйхатга олиш китоби асосида 1 августга келгуси календарь йил учун йўлланмаларга талабнома тузиб, юқори касаба уюшма ташкилотига тақдим этади.

4.2. Республика, вилоят, шаҳар тармоқ касаба

Table with 2 columns: йўлланма кўмитаси ва бошқарма, йўлланма кўмитаси раҳбари ва бошқарма раҳбари. Includes a grid for recording data.

БУҚЛАШ ЧИЗИҒИ

ҚИРҚИШ ЧИЗИҒИ

ҚИРҚИШ ЧИЗИҒИ

Ушбу йўриқнома ижтимоий сугурта бюджетни тузилмасидаги ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда қайта ишлаб чиқилган ва санаторий йўлланмаларини режалаштириш, чиқариш, тақсимлаш, сотиш, ҳисобга олиш, ҳисоботи ва бериш тартибини белгилайди.
Йўриқнома, шунингдек, даволанишга муҳтож ходимларни йўлланмалар билан таъминлаш, йўлланмалардан фойдаланиш, улар бўйича ҳисоб-китоб ва ҳисоботлар юритилишини тартибга солади.

(Хизматда фойдаланиш учун)

Table with 13 columns: йўлланма кўмитаси ва бошқарма, йўлланма кўмитаси раҳбари ва бошқарма раҳбари. Includes a grid for recording data.

БУҚЛАШ ЧИЗИҒИ

ҚИРҚИШ ЧИЗИҒИ

йўлланмалар рақами, йўлланмаларнинг сони ва муддати, ҳар бир йўлланманинг нархи ва барча йўлланмаларнинг умумий қиймати кўрсатилади.

16. Касаба уюшмалари ташкилотлари томонидан талаб қилиб олинмаган йўлланмалар Санаторий-курортлар бошқармаси томонидан келишилган нархларда сотилади.

II. Йўлланмаларни бериш тартиби

17. Ходимга даволаниш учун йўлланма унинг иш жойидаги касаба уюшма кўмитаси ёки тармоқ касаба уюшмалари кенгашида белгиланган навбат бўйича берилади.

Ходимлардан тушган барча аризалар йўлланма олиш учун навбатда турган ходимларни рўйхатга олиш китобига киритилади ва уларга йўлланма олиш учун навбат белгиланади (1-илова).

18. Ходимга уч йилда бир мартаба йўлланма берилади, бунда йўлланмаларни сотиб олишга сарфланган харажатларни қоплаш манбаи ижтимоий сугурта бюджетни маблағлари ҳамда йўлланмалар сотиб олиш учун касаба уюшма бюджетидан ажратилган мақсадли маблағлар ҳисобланади.

19. Касаба уюшма ташкилотлари томонидан ижтимоий сугурта маблағлари ҳисобидан сотиб олинмаган йўлланмалар:
— 10 фоизгача — бепул;
— 90 фоизгача — қиймати қисман ундирилган ҳолда берилади.

Йўлланмалар қийматининг ундирилмаган миқдори Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсати қарори билан тақдимланади.

20. Йўлланмаларнинг қисман ёки тўлиқ қийматини тўлаш кўйидаги тартибда амалга оширилади:
— банк муассасалари орқали «Эълон» бўйича нақд пул ёки пластик карточка орқали бирлашманинг ижтимоий сугурта бюджетни ҳисоб рақамига

га, алоҳида папкага тикилган ҳолда касаба уюшма кўмитасида сақланиши зарур.

44. Бирлашмаларда ижтимоий сугурта бюджетни маблағлари ҳисобидан йўлланма олиш учун берилган ишончномаларни ҳисобга олиш учун алоҳида журнал юритилиши, улар 10 кун муддат ичида олинган счет-фактуралар бўйича белгилаб қўйилиши (ёпилиши) лозим.
Бегона шахсларга Ишончнома бериш қатъиян тақиқланади. Булар учун бирлашмаларнинг кредитларини бошқарувчилар шахсан жавобгардирлар.

IV. Йўлланмалардан мақсадли фойдаланиши ва устидан назорат ва жавобгарлик

45. Мазкур йўриқнома қоидаларига амал қилиш учун шахсий жавобгарлик:
— касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмалари раислари;
— республика, вилоят, шаҳар, туман касаба уюшмалари кенгашлари раислари;
— корхона, муассаса, ташкилот касаба уюшма кўмиталари раислари;
— Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Санаторий-курортлар бошқармаси бошлиғи;
— касаба уюшмалари санаторийлари директорлари зиммасига юклатилади.

46. Санаторий-курортлар бошқармаси ҳар чоракда, ҳисобот чоракидан кейинги ойнинг 20-куни, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашига йўлланмаларни тақсимлаш режаси бажарилиши ва ҳар бир санаторий бўйича йўлланмаларнинг ҳақиқий таннарни таҳлили тўғрисида маълумотларни тақдим қилади.

47. Санаторий-курортлар бошқармаси Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашига

БУҚЛАШ ЧИЗИҒИ

ҚИРҚИШ ЧИЗИҒИ

ҚИРҚИШ ЧИЗИҒИ

8. Бирлашмалар касаба уюшма ташкилотлари талабномаларига мувофиқ, бошқа идораларга қарашли санаторийларнинг йўлланмаларни қўйидаги шартлар бажарилган тақдирда сотиб олишлари мумкин:
— касаба уюшмалари йўлланмаларнинг ўртача баҳосидан юқори бўлмаган нархларда;
— касаба уюшмалари санаторийлари йўлланмаларини тасдиқланган йўлланмаларни тақсимлаш режасига мувофиқ тўлиқ олинган ҳолда;
— Санаторий-курортлар бошқармасига аввал олинган йўлланмалар учун қарзлар тўлиқ қайтарилган ҳолда;
— бюджетнинг «санаторий-курортда даволаниш» моддаси учун кўзда тутилган маблағлар ортиб қолган тақдирда.

Имкон борича кўпроқ ходимларни даволаш мақсадида ижтимоий сугурта маблағлари ҳисобидан қимматбаҳо, шунингдек, люкс-палаталарга йўлланмалар сотиб олиш ман этилади.

9. Талаб қилинмаган ҳолда бошқа идораларга қарашли санаторийларга йўлланмалар ажратилиши рухсат берилмайди.

10. Йўлланмаларни йил мавсумлари бўйича тақсимлашда таълим ва фан, агросаноат мажмуи тармоқлари ҳамда бошқа тармоқларга қарашли иш фаолияти мавсумий тусга эга бўлган ташкилотларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш лозим.

11. Санаторий-курортлар бошқармаси йўлланмаларни касаба уюшма ташкилотларига тасдиқланган йўлланмаларни тақсимлаш режасига мувофиқ, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан келишилган нархларда сотади.

Касаба уюшма ташкилотларига йўлланмалар тижорат устама нархларсиз сотилади.
Санаторий-курортлар бошқармаси Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан келишган ҳолда кузги-қишги давр учун санаторий

БУҚЛАШ ЧИЗИҒИ

ҚИРҚИШ ЧИЗИҒИ

ҚИРҚИШ ЧИЗИҒИ

ловчи меҳнат фахрийлари ва ногиронларига, кўп болали, кам таъминланган оилаларнинг аъзоларига берилади.

24. Касаба уюшма ташкилотлари мавсумий эҳтиёжлари ҳисобга олган ҳолда бепул йўлланмаларни бериш меъёрларини тартибга солиши мумкин.

25. Ходим санаторийга санаторий-курорт картасини (0.7.2./У-шакл) тақдим этиши лозим, даволаш усули мос келмаслигини кўрсатувчи белгилар аниқланган ҳолда у санаторийга қабул қилинмайди.

26. Санаторийда даволаниш учун йўлланмалар касаба уюшма кўмитасининг, у тузилмаган жойларда эса корхона маъмурияти томонидан тузилган ижтимоий сугурта бўйича комиссиянинг қарори асосида берилади.

Касаба уюшма ташкилотлари йўлланмаларни ажратилишида ва уларни тўлови бўйича имтиёзлар беришда ижтимоий адолат тамойилларига амал қилишлари, аниқ йўналишга эга бўлишлари ҳамда йўлланмаларни меҳнат жамоасининг ижтимоий тузилмасига мос равишда тақсимлашлари лозим.
Бу масалалар ҳамжиҳатлиқда қуриб чиқилиши, қабул қилинган қарорлар ажратма эълон қилиниши зарур.

Касаба уюшма кўмиталари ажратилган йўлланмалар тўғрисида ходимлар олдида ҳисобот беришлари лозим.
Йўлланмаларни касаба уюшма кўмитаси раиси ёки бошқа аъзоларининг кўрсатмаси бўйича бериш тақиқланади.

27. МДҲ ва хорижий мамлакатларнинг санаторийлари, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Тиббий-санитария бирлашмаси санаторийлари йўлланмаларининг ҳақи ижтимоий сугурта маблағлари ҳисобидан тўланмайди.

28. Ижтимоий сугурта маблағлари ҳисобидан сотиб олинган йўлланмалардан узрли сабабга кўра

кенгаш ёки ташкилотга қайтарилиши ҳисоби ҳам олиб борилади.

Журнал ойма-ой ҳисоб-китоб қилиб борилади ва чорак якунланганидан сўнг олинган йўлланмаларнинг умумий қиймати корреспондент ҳисоб варақларининг дебити бўйича ажратилиб, ҳисоблаб чиқилади ва бош китобда қайд этиш учун бухгалтерия ўтказмаси тузилади.

41. Йўлланмаларни ҳисобдан чиқариш, қабул қилинган санаторий-курортлар йўлланмалари тўғрисидаги ҳисоботларнинг маълумотлари ҳамда уларни б-журнал ордерида қайд қилиниши асосида амалга оширилади.

Касаба уюшма ташкилоти чорак якуни бўйича санаторий-курортлар йўлланмалари тўғрисидаги ҳисоботни топширмаган ҳолларда, шу касаба уюшма ташкилотига тегишли чорак учун ҳисобдорлик асосида берилган йўлланмалар б-журнал ордерида, йўлланма берилиши учун тузилган счет-фактураларнинг маълумотлари, қабул қилинган ҳисоботлар қайд қилиниб, жамлангандан сўнг киритилади.
б-журнал ордерида ҳисобот топширган ташкилот номи, сумма (берилган йўлланмалар қиймати), харажатлар тегишли бўлган корреспондент ҳисоб варақлари кўрсатилади.

Журналда ишчиларга ва ишлаб чиқариш усталарига, талабаларга, аёлларга, шунингдек, бепул, қисман ва тўлиқ қийматига берилган йўлланмалар сони, алоҳида-алоҳида устунларда қайд этилади.
Йўлланма олган ҳар бир касаба уюшма ташкилоти учун санаторий ва санаторий-профилакторий йўлланмаларининг қисман тўлови тушумини назорат қилиш варақаси очилади (5-илова).

42. Бирлашмалар йўлланмалар берилишини қатъий равишда республика, вилоят, шаҳар тармоқ кенгашлари орқали амалга оширишлари лозим.
Уларга бирлашма томонидан тасдиқланган йўлланмаларни тақсимлаш режаси асосида йўлланмалар тақсимланади ва берилади.

БУҚЛАШ ЧИЗИҒИ

ҚИРҚИШ ЧИЗИҒИ

ҚИРҚИШ ЧИЗИҒИ

— меҳнат таътили берилганлиги тўғрисидаги буйруқдан кўчирма;
— йўлланма қиймати тўлиқ ёки қисман тўлангани тўғрисидаги тўлов қоғози (квитанция).

33. Ходимга берилган йўлланма, олувчининг фамилияси, исми ва отасининг исми (паспорт асосида), иш жойи, лавозими, йўлланма берган касаба уюшма ташкилотининг номи кўрсатилган ҳолда, тўлдирлиши ҳамда касаба уюшма ташкилоти раиси томонидан имзоланиши ва муҳри билан тасдиқланиши шарт.
Йўлланмага тузатишлар ўша касаба уюшма ташкилоти томонидангина киритилиши ва тасдиқланиши мумкин.

Касаба уюшма ташкилоти муҳри бемалол ўқилмаган даражада тиниқ бўлиши керак.
Тўлдирилмаган йўлланмаларни бериш қатъиян тақиқланади.

Йўлланма фақат касаба уюшма ташкилотидан олган шахс учунгина ҳақиқий ҳисобланади.

34. Санаторийлар тўлдирилмаган, муҳри ноаниқ қўйилган йўлланмалар билан келган шахсларни қабул қилиши, йўлланмага тузатиш киритиши қатъиян тақиқланади.
Ушбу тартиббузарликлар учун санаторий директори шахсан жавобгардир.

Йўлланма нотўғри расмийлаштирилгани аниқланган ҳолда, санаторий йўлланма нусхасини касаба уюшмалари ташкилотларининг йўлланмалардан мақсадли фойдаланишини ўрганиш комиссиясига чора кўриш учун топшириши керак.

35. Шифокор ҳулосасига кўра санаторийда даволаниш жуда зарур бўлган ходимга, касаба уюшма ташкилотига йўлланма бор бўлган тақдирда, санаторий-курортлар йўлланмалари тўғрисидаги ҳисоботда (14-шакл, 2-илова) акс эттирилган ва ходимларга берилган санаторий йўлланмалари рўйхатига (3-илова) киритилган ҳолда санаторий йўлланмаси тўлиқ қийматига берилиши мумкин.

III. Йўлланмалар бўйича ҳисоб-китоб ва ҳисоботлар юритилиши

36. Йўлланмаларни ҳисобга олиш бирлашмалар, тармоқ касаба уюшмалари кенгашлари ва касаба уюшма кўмиталарида «Йўлланмаларни ҳисобга олиш китоби»да (13-шакл, 4-илова) юритилади.
Йўлланмалар олинган тартибда счет-фактурага мувофиқ қирим қилинади. Ҳар бир йўлланма китобда алоҳида сатрда қайд қилинади.

Йўлланмаи ходимга бериш вақтида, йўлланмаларни ҳисобга олиш китобининг тегишли қатори бўйича йўлланма берилган сана, асос (касаба уюшма кўмитаси қарори), кимга берилгани (ходимнинг фамилияси, исми, шарифи паспорт бўйича), иш жойи, лавозими, пул тўланган сана, тўлов қоғози рақами ва йўлланма учун тўланган сумма акс эттирилиши, шунингдек, ходимнинг йўлланма олгани тўғрисида имзоси бўлиши лозим.

37. Йўлланма берилишига асос бўлган кўйидаги ҳужжатлар алоҳида папкага тикилиши ва йўлланмаларни ҳисобга олиш китоби билан бирга молиявий ҳужжатлар каби сақланиши зарур:
— олинган йўлланмалар учун счет-фактура;
— ходимнинг аризаси;
— тиббий маълумотнома;
— бошланғич касаба уюшма ташкилотининг қарори;
— тармоқ касаба уюшмалари кенгашининг қарори;
— меҳнат таътили берилганлиги тўғрисидаги буйруқдан кўчирма;
— паспорт нусхаси;
— агросаноат мажмуи тизимида меҳнат дафтарчасининг нусхаси;
— йўлланма қиймати қисман тўлангани тўғрисидаги тўлов қоғози;
— йўлланманинг қайтарилуви талони.

38. Касаба уюшмалари туман, шаҳар кенгашла-

БУҚЛАШ ЧИЗИҒИ

ҚИРҚИШ ЧИЗИҒИ

ҚИРҚИШ ЧИЗИҒИ

ҚИРҚИШ ЧИЗИҒИ

Хоразм мақом юлдузлари



Хоразм азалдан дилтортар куй-қўшиқлари, ширинсухан шоир ва санъаткорлари, ўзига хос мақом санъати билан дунёга машхур. Ал-Хоразмий, Ал-Беруний, Пахлавон Махмуд, Замахшарий, Нажмиддин Кубро, Жалолиддин Мангуберди, Абулғозий Баходирхон, Огаҳий, Феруз... каби улуг зотларга бешик бўлган заминда санъатни, санъаткорларни ниҳоятда кадрлаган. Ферузнинг ўзига хос мақомлари, Ҳожибой Болтаев, Комилжон Отаниёзов, Назира Юсупованинг қўшиқлари санъат ихлосмандлари қалбида барҳайт яшамоқда. Хоразм мақом қўшиқчилиги санъатида Ҳожибой Болтаев ва сулоласининг хизмати катта.

Санъаткорлар сулоласи

ҲОЖИБОЙ БОЛТАЕВ

Бу ном тилга олинганда ХХ асрнинг забардаст хонандаси, Хоразм мақом қўшиқчилиги санъатининг порлоқ юлдузи кўз олдимизда намоён бўлади. У санъат оламида ўзига хос бир тарзда мақом санъатини қайта тирилтириб, ўзига хайкал қўйиб кетди, десак ҳеч муболага бўлмайд.

1902 йилда Хонқа туманида Болта этикдўзи оиласида дунёга келган Ҳожибой Болтаевнинг ота-онаси билан шуғуллана бошлади. Бироқ санъатта иқтидорини кўрган замондошларидан Машариф пир ва Рўзимат оғалар уни санъат оламига ошно қилиб, устозлик қилишди. Улкан қалб соҳиби йиллар ўтиб, мақом қўшиқчилиги санъати ривожига муносиб ҳисса қўшиб, Абдушариф Отажон, Матназар Юсупов, Қувондиқ Искандаров, Рўзимат Отаев сингари кўлаб шогирдларнинг устозига айланди.

Хоразм санъати тарихида ўзининг бетакрор мақомлари билан ёрқин из қолдирган Ҳожибой Болтаев ижоди вафотидан сўнг Мустақиллик йилларидагина муносиб тақдирланди. Президентимиз фармонида асосан «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотланди.

НАЗИРА ЮСУПОВА

Назира Юсупова Ҳожибой Болтаевнинг хотин-қиз санъаткорлар ичида биринчи шогирди эди. 1924 йилда Хивада дунёга келган бу қиз буюк

санъаткорга шогирд бўлиш бахтига мушарраф бўлди, ундан санъат сирларини пухта ўрганди.

Назира Огаҳий номидаги вилоят мусикали драма ва комедия театрида ишлаш билан бирга, машхур санъаткор Комилжон Отаниёзов раҳбарлик қилаётган ансамблда ашула айтиб, ўз санъатини халққа намойиш этди.

Истеъдодли санъаткор театрд «Тоҳир ва Зухра»да Мохим, «Паранжи сирлари»да Ача хотин, «Раис уйланармиш»да раиснинг хотини сингарини раишнинг ролларини маромига етказиб ижро этди. Бироқ мақомга бўлган катта қизиқиш ва меҳр-муҳаббат уни кейинчалик ушбу санъатни мукамал ўрганишга етаклади.

Х. Болтаев бу истеъдод соҳибаси билан кўп йиллар бахтли ҳаёт кечирди. Уч ўғлини тарбиялаб, келажакда санъаткорлар сулоласи бардавтомлигига замин яратди. Йиллар ўтиб, муҳаббат мевалари бўлган фарзандлар — Машариф, Рустам, Комилжон ота-она изидан борди.

Назира Юсуповани «Феруз» мақомини қўйилмақом ижро этган санъаткор сифатида яхши танишадди. Бу қўшиқни гарчи устози Ҳожибой Болтаевдан кейин ижро этган бўлса-да, уни маромига етказиб, моҳир санъаткор сифатида танилди. У «Феруз», «Рост», «Наво», «Сеғоҳ», «Дугоҳ», «Бузрук» сингари Хоразмнинг дурдона мақомларини қуйлаб,

эл-юрт олқишига сазовор бўлди.

Назира Юсупова ўзининг бетакрор санъати ва дилбар қўшиқлари билан эл-юрт назарига тушиб, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист унвони ва «Шавкатли меҳнати учун» нишони билан тақдирланди.

Машхур санъаткор Юнус Ражабий унинг санъатида баҳо бериб: «Назира хонининг сўзлари раво, мусиқаси жарангдор, ёқимли ва ширали овози бор. Хоразм мақомлари Назирахон ижросида ўзгача жило касб этади» деган эди. Ҳожибой Болтаев ҳам у ҳақда шундай илиқ сўзларни айтган: «Дунёда Назира Юсупова битта, унинг «Феруз»и ҳам битта».

Ҳақиқатдан ҳам бетакрор овоз соҳибаси Назира Юсупова қуйлаганда тингловчилар яйраб, бутун борлиқни унуттишган.

МАШАРИФ ОҒАНИНГ ДИЛ СЎЗЛАРИ

Машариф Назира Юсупованинг тўнғич фарзанди. У болалигидан отаси Ҳожибой Болтаев билан тўғ-тақаларда бирга юриб, танкили санъаткорлар даврасида улғайди.

— Етти ёшда эдим, — хотирлайди Машариф оға. — Бир куни отамнинг ёнида қўшиқ хиргойи қилиб ўтирган эдим, тоғам Нурмамат Болтаев келиб отамга: «Ҳожибой, нега кўзларингда ёш, секинмайсанми, ўлгинг қўшиқ айтангиз», деди. Отам бўлса кўзларидан юмалаётган ёшларни аста, яширин тарзда артиб: «Ака, бу се-

винч ёшлари, Худо хоҳласа, у менинг санъатимни давом эттиради, деган умиддаман», дедилар.

Гарчи мен Урганчдаги мусиқа билим юртини тамомлаб, ота-онамнинг санъатини давом эттира олмаган бўлсам-да, бобом Болта ота сингарини машина-техника устаси бўлиб халқимга астойдил хизмат қилдим. Отамнинг орзуларини фарзандларим давом эттириб, санъаткорлар суло-

факултетига таҳсил ола бошлади. Унга ўз даврининг етуқ ва билимдон санъаткорларидан Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Рўзимат Бекчонов, Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Зулхумор Норбаева, Ўзбекистон халқ артисти Замира Суёнова ва Дилором Юсупова сабоқ бериб, элга манзур бўладиган қўшиқларни

яхши ижрочи» танлови голлиблигини кўлга киритди.

«ФЕРУЗ» ГА ЖОН БАХШ

ЭТҒАН ДИЛФЕРУЗ

— Дилферузнинг исмини биз ниҳоятда катта орзулар билан қўйганмиз, — дейди онаси Ширинжон Ҳайитбоева. — Чунки қайнонам Назира ая доим «Феруз» қўшиғим барча хондонларга гўзаллик, нафосат олиб кирди. Қани эди, набираларим ҳам ўзим сингари дилларга завқ-шавқ боғишлаб, «Феруз»ни қуйлаб, санъатимни давом эттирсалар, дея орзу қиларди. Биз ҳам қайнонамнинг орзулари ушалиши учун қизимизни унинг севимли «Феруз» қўшиғи номи билан Дилферуз деб атадик. Бунинг қарангки, қизимиз бувисининг орзусини ушалтириб опаси билан «Феруз-1», «Феруз-2» қўшиқларини айтиб, дилларга қувонч бағишламоқда.

Оқ-сарик юзли, чиройли, узун қоматли, кўзлари чақоқ, шўх ва шаддот бу қизни кўрган-билганлар бобоси Ҳожибой Болтаевга ўхшатишадди. Овози ҳам ниҳоятда баланд, шиддатли. Қувноқлиги ва зийраклиги бувиси Назира Юсуповатга торган.

— Эл суйиб, ардоқлаган Ҳожибой Болтаев ва Назира Юсуповаларнинг бетакрор санъатини давом эттириш биз учун нақадар мушкул бўлмасин, барибир, улар юрган йўллардан бориб, масъулиятни ҳис қилиб, санъаткорлар сулоласини давомийлиги учун ҳаракат қиламиз ва бунинг ўзимиз учун бахт деб биламиз. Пировардида, бу бахтининг масъулияти бизни янада гўзал ва бетакрор мақом қўшиқларини айтишга ундайди, — дейди Дилферуз.

Қизларнинг яна уч опа-укалари — Гуласал Ҳожиқонова, Назира Юсупова, Ҳожибой Болтаевлар ҳам ана шу гўзал ва бетакрор санъат йўлидан бориб, ота-боболари руҳини шод этиб, чиройини ёритмоқдалар. Демак, Ҳожибой Болтаев ва Назира Юсупованинг ҳаёти беиз кетмабди. Уларнинг номини фарзандлари, набиралари улуғлаб, ишларини давом эттиришмоқда.

Шарқия ЭШЖОНОВА, Ўзбекистон Журналистлар Ижодий уюшмаси аъзоси

Жаннатдан чиққан гиёҳ

Тоғрайхон қияликларда, ўтлоқларда ва ўрмонда ўсади. Хушбўй, бир йиллик ўсимлик. Унинг 150 га яқин тури бор. Оддий тоғрайхон, тоғ қора райхони, ўрмон ялпизи, райхон, себинак... Хушбўй, манзарали гул сифатида ҳам экилади.



нинг хоҳиш-иродаси ёқмабди. Улар даҳшатга тушиб, ер юзидagi нарса-ларни супуриб ташлабдилар.

Сўнг осмонда қуёш пайдо бўлибди. Уни кўрган шамоллар шаштидан тушибди. Қуёшнинг иссиқ нурлари таъсирида Зефир тинч эсиб эр-каловчи сабога, қиз эса райхонга айланиб қолибди. Шундан буён майин шамол билан райхон шивирлашар экан.

Уларнинг шивир-шивирларидан ҳамма ёққа севги бўйи таралар эмиш... Шифобахш гиёҳ сифатида унинг ўти (юқори қисми) ишлатилади. Таркибида эфир мойи, геранил ацетат, аскорбин кислота, тимол, карвак-бир, ошловчи моддалар бор. Гиёҳ уруғида 30 фоизгача мой сақланади.

Райхоннинг барги, гули, шохчалари пазандаликда, жумладан бодринг, кўзиқорин, помидор тузлашда, квас, пиво тайёрлашда қўлланилади. Майдаланган тоғрайхон ўсимлиги куруқ меваларга, гуручга, кийим-

ларга курт-қумурскалар тушишига қарши сепилади.

Халқ табобатида гиёҳ дамламаси иштаҳани очиб ва овқат ҳазм қилишни яхшилашда қўлланилади. Юқори нафас йўллари шамоллаганда, асабийлашганда яхши омилдир.

Усимликнинг дамлама ва қайнатмаси турли чиркин яраларга бозиллатма учун ишлатилади. Болаларда рахит касаллигида ванна қилишда, ўткир ва сурункали меъда-ичак хасталигида, ярали кулунж, ўткир ва сурункали бронхит, ўт-тош хасталигида, ўт (сафро) ҳайдовчи, қорин дам бўлганда яхши наф келтиради.

Ларингит, стоматит ва томоқ оғриғида оғиз чайиш учун тоғрайхон дамламаси ажойиб малҳамдир.

Замонавий табобатда у расмий равишда доривор ўт ҳисобланади. Қон босимини пасайтирувчи, парижонотир-лик (атеросклероз), буйрак ва жигар хасталиқларига ҳам фойдали. Нафас қисилиш, ўпка сили хасталиғига даво.

Ҳайз кўрган вақтда ярим стакандан тоғрайхон дамламасини ҳар куни 3 маҳал овқатланшдан 20 дақиқа олдин ичиб турилса, оғриқ босилади. Жигадон қайнаш, хиҷиқ, кўнгил айниши, қусиш ҳам

тўхтайд.

30 грамм тоғрайхон 1 литр қайнаб чиққан сувга солиб, 2 соат дамлаб қўйилади. Сўнг сузиб, 50 грамм асал қўшиб яхшилаб аралаштирилади. Ҳар куни таомдан кейин чор-рак, ярим стакандан ичиб турилади. Совутғичда сақлаш тавсия этилади. Бу моддалар алмашинувини яхшилайд.

қон яратиш тизимига ижобий таъсир қилади. Бу эса аёлларга жуда-жуда фойдали! Тоғрайхондан дамлама қуйидагича тайёрланади: икки ошқошиғида майдаланган ўти икки пайёла қайноқ сувга солиниб, 30 дақиқа мобайнида оғзи берк идишда дамланади. Сўнг доқадан ўтказилиб, 2-3 ошқошиқда қунига 3-4 марта овқатдан 15 дақиқа олдин ичилади.

Обзан (ванна) қилишда: 300 грамм тоғрайхон ўти 3 литр сувга солинади. Паст оловда милтиллаб, 20-30 дақиқа қайнатилади. Доқадан ўтказилган, идишдаги сувга солинади.

Тоғрайхоннинг шифобахш хусусияти билан бирга салбий таъсири ҳам бор. Жумла-дан, у хомилдор аёллар, меъданинг гипертонд турида меъда ва ўн икки бармоқ ичак яраси ҳамда қон босими паст бўлган кишиларга тавсия қилинади.

Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ, доривор

Унинг пайдо бўлиши борасида ривоятлар ҳам битилган: Қадим замонларда яшаган камбағал қизнинг онаси вафот этгач, отаси бошқа хотинга уйланибди. Бахтга қарши у жуда баджаҳл, қизга кўп зулм қиларкан. Қиз ҳар доим эски, йиртиқ-ямоқ кийимда юришга мажбур, бироқ унга табиат ато этган гўзалликдан жулдур либослар ҳам ҳуснига соя соломас экан. Шамол фаришталарининг одам қиёфасини олган ўғли Зефир кунларнинг бирида қизни кўриб, ошқиб бўлиб қолибди. Лекин бир-бирларига етишиш насиб этмабди. Катта акалари — шиддатли шамолларга кенжатой-



дан буён майин шамол билан райхон шивирлашар экан.

Уларнинг шивир-шивирларидан ҳамма ёққа севги бўйи таралар эмиш... Шифобахш гиёҳ сифатида унинг ўти (юқори қисми) ишлатилади. Таркибида эфир мойи, геранил ацетат, аскорбин кислота, тимол, карвак-бир, ошловчи моддалар бор. Гиёҳ уруғида 30 фоизгача мой сақланади.

Райхоннинг барги, гули, шохчалари пазандаликда, жумладан бодринг, кўзиқорин, помидор тузлашда, квас, пиво тайёрлашда қўлланилади. Майдаланган тоғрайхон ўсимлиги куруқ меваларга, гуручга, кийим-

Саёҳат

«Мозийга қайтиб иш кўрмоқ хайрли дейдилар...». Севимли асаримизни бошлаб берувчи бу сатрларни Қодирий домла шунчак битмаганлар. Бу ибора минг йиллик ҳақиқат инфодасидир. Тарихий шаҳарларимиз — Самарқанд ва Бухоро зибратидан жамоамиз билан қайтар эканмиз, бу ҳикматта яна бир бор ишондим.

Тарихга қайтиб...

Ҳар бир қадамжо зибратидан сўнг аждодларимиз закосидан фахрланиб, кўнглимиз ифтихорга тўлди. Бир неча йиллар олдин спиртли маҳсулотлар омборхонаси ёхуд молхона-ю

ларини тиклаганлиги учун ҳам истиқлолга шукроналар айтаемиз.

Аслида, жамоа билан бундай саёҳатга чиққанлигимиз ҳам тинч-осуда ҳаётимиз, фаровонлигимиз тўфайлидир. Маъмуриятнинг 1 млн. 600 минг сўмлик, касаба уюшма кўмитасининг 1 млн. 500 минг сўмлик маблағи эвазига 16 нафар ходим кўнгилли ҳордиқ чиқаришди. Барчанинг қувончи чексиз. Зеро, бу саёҳат хайрли тадбирларимизнинг биринчиси бўлмаганидек, ниҳоят ҳам эмас.

Раҳимжон АХМАДАЛИЕВ, ДТ «Халқ Бани» Наманган вилоят филиали касаба уюшма кўмитаси раиси

Мулоҳаза

Яқинда акам фарзандли бўлди. Хонадонимизда ширингина қизалоқ дунёга келди. Ҳаммамиз унга исм танлай бошладик: Мадина, Гулҳа, Гулираъно ва шунга ўхшаш қатор чиройли исмларнинг рўйхатини туздик. Аммо катталар уларнинг бирортасини ҳам маъқул қўришмади. Албатта, ушбу исмларни ёқтиришмаганлигидан эмас, акамнинг: «Қизимга чиройли, маъноли ва ярим чала айтилмайдиган исм танлайлик», деган сўзларидан келиб чиқиб қизалоққа Захро деб исм қўйишди.

Исм — ярим ҳис

Оилада фарзанд дунёга келар экан, унга исм қўйиш ота-онанинг вазифасидир. Бизгача етиб келган расм-русумга биноан, бола туғилганида мулла чаққириб, боланинг қулোগа азон айтилади ва илк мартаба ўз исми унинг қулোগа синдирилади. Ҳар бир ота-она фарзандига чиройли, жарангдор ва албатта, маъноли исм қўйишни хоҳлайди. Бу борада қақалоқ туғилган хондон ва оила аъзоларининг келиб чиқиши, қайси авлодга мансублиги, эътиқоди, дунёқарши, орзу-истаклари инобатга олинади. Чунки исм инсоннинг ярим хусни саналади. У улғайгач, бу исми унинг ҳулқ-атворида, ҳатто, тақдирига ҳам таъсир кўрсатиши мумкин.

Шунинг учун ҳам болага исми қўйишда оиланинг катталари мурожаат қилинади. Баъзилар буюк тарихий шахслар, қаҳрамонларга ҳавас қилиб, улардек бўлсин, деган ниятини дилга турса, баъзилар эса исмининг маъносига кўпроқ аҳамият беради. Масалан, Ирода (иродаси мустаҳкам бўлсин), Жасур (мард, қўрқмас), Бахтиёр (бахтли, сародатли, атрофдагиларга бахт улашсин) каби исмларни тилга олиш мумкин.

Кўпгина ҳолларда, болалар ўз исми билан ҳам туғилишад.

Масалан, Фотима-Зухра, Рискя, Суннат... Аммо кўпчилик ёш оилалар кексаларимиз томонидан қўйилган исмларни эсимирган, замондан ортда қолган, деб Сабрина, Залина, Динара, Дамира, Денис каби жарангдор, аммо ўзга миллатларга мансуб исмларни танлашади.

Мутахассисларнинг фикрича, баъзи ота-оналарнинг бундай янги исмларни қўйишдан асосий мақсади фарзандларининг бошқалардан ажралиб туришини исташи билан боғлиқ экан. Тўғри, кўп учрайдиган исмларни қўйиш кўпчиликка маъқул келмаслигини тушуниш мумкин. Бироқ, ҳеч қандай йўқ, деб учраган исмни қўйиш ҳам мақсада мувофиқ эмас. Баъзида шундай исмлар қўйиладики, унинг эгалари бундан хижолат тортиб, исмларини ўзгартиришга қарор қилишади.

Манучеҳр Садридинов, талаба: — Исмин ўзимга ёқади. Эрон шоҳларидан бирининг исми шундай бўлган. Камданкам ҳолатларда учрайди. Шу сабабли илк мартаба исминини эшитганлар ажабланиб қарашади. Ота-онамга нима сабабдан бундай исм қўйишгандан шикоят ҳам қилганман.



Кумар Бекниязова, талаба: — Қумар — қорақалпоқ халқ дostonининг қаҳрамони. Ота-онам шу қаҳрамон аёл каби бўлсин деб шу исми қўйишгандим. Аммо дўстларимнинг Қумар, Хумор, Хумора деб чаққирини менга ёқмайди.

Фарзандга исм қўйилганидан кейин уни чала-ярим қилмай тўлиқ ва гўзал талаффуз қилиш керак. Афсуслик, айрим оилаларда исми қисқартириб айтиш одатга айланиб қолган. Кўпчилик ота-оналар «боланинг исмини қисқартириб айлик ёш оилалар кексаларимиз томонидан қўйилган исмларни эсимирган, замондан ортда қолган, деб Сабрина, Залина, Динара, Дамира, Денис каби жарангдор, аммо ўзга миллатларга мансуб исмларни танлашади.

Мана, бир мисол. Биринчи синфда таҳсил олаётган укам бир куни уйга келиб: «Ойи, бу-

нинг бошқалардан ажралиб туришини исташи билан боғлиқ экан. Тўғри, кўп учрайдиган исмларни қўйиш кўпчиликка маъқул келмаслигини тушуниш мумкин. Бироқ, ҳеч қандай йўқ, деб учраган исмни қўйиш ҳам мақсада мувофиқ эмас. Баъзида шундай исмлар қўйиладики, унинг эгалари бундан хижолат тортиб, исмларини ўзгартиришга қарор қилишади.

Манучеҳр Садридинов, талаба: — Исмин ўзимга ёқади. Эрон шоҳларидан бирининг исми шундай бўлган. Камданкам ҳолатларда учрайди. Шу сабабли илк мартаба исминини эшитганлар ажабланиб қарашади. Ота-онамга нима сабабдан бундай исм қўйишгандан шикоят ҳам қилганман.

Кумар Бекниязова, талаба: — Қумар — қорақалпоқ халқ дostonининг қаҳрамони. Ота-онам шу қаҳрамон аёл каби бўлсин деб шу исми қўйишгандим. Аммо дўстларимнинг Қумар, Хумор, Хумора деб чаққирини менга ёқмайди.

Фарзандга исм қўйилганидан кейин уни чала-ярим қилмай тўлиқ ва гўзал талаффуз қилиш керак. Афсуслик, айрим оилаларда исми қисқартириб айтиш одатга айланиб қолган. Кўпчилик ота-оналар «боланинг исмини қисқартириб айлик ёш оилалар кексаларимиз томонидан қўйилган исмларни эсимирган, замондан ортда қолган, деб Сабрина, Залина, Динара, Дамира, Денис каби жарангдор, аммо ўзга миллатларга мансуб исмларни танлашади.

Мана, бир мисол. Биринчи синфда таҳсил олаётган укам бир куни уйга келиб: «Ойи, бу-

ИСТЕЪДОДЛИ, ИНТИЛУВЧАН ва ташаббускор



(Давоми. Боши 1-бетда)

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида бўлиб ўтган «Келажак овози» танловининг либослар дизайни бўйича Тошкент шаҳар босқичи ниҳоятда қизиқарли ва таассуротларга бой бўлди.

Давримизда мода соҳасида кўпга ўзгаришлар рўй бермоқда. Ёш илганувчан истеъодлар кўпаяётгани, профессионаллик даражасининг ошириб бораётгани эътиборга сазовор.

Шаҳноза Алметова, Камолдин Бехдоз номдаги рассомлик ва дизайн институтининг либослар факултети 3-босқич талабаси:

— Танловнинг Тошкент шаҳар босқичида миллий-замонавийлашган услублар бўйича янги моделлар билан катнашаётганимиз. Янада мукаммаллашган, дидан, замон руҳига мос либослар яратиб, соҳа ривожига ҳисса қўшам, дейман.

Машкура Рустомова, Тошкент педагогика коллежи тасвирий санъат ўқувчиси:

— Кўрик-танловда бошланғич таълим бўлими ўқувчиси Шалола Уринова ва мактабга таълим бўлими ўқувчиси Рухза Турсунова каби шогирдларимиз катнашаётган. Шалола миллий-замонавий либослар эскизи, Рухза эса тайёр либослар тўплами билан иштирок этапти.

Кийим фақат чиройли кўриниш учун эмас, балки соғлом турмуш тарзи, жамиятдаги муносабатларга ҳам таъсир кўрсатади.

Комила БОЙМУРОВА, «Ishonch» мухбири

Ишончга яраша шижоат

Ховли саҳнида Абу Райхон Бериуний ҳайкали тўр тўкиб турган Тошкент Давлат техника университети асосий биносининг иккинчи қавати ёшлар билан гавжум. Улар «Келажак овози» кўрик-танловининг шаҳар босқичига қўйиб босқичдан изланиш ва ташаббус билан чиқиб келган.



билан иштирок этишмоқда, — дейди «Келажак овози» ЕТМ координатори Жамшид Турапов. — Кўриб турибсиз, ёшларимизнинг шижоатидан рационализаторлик тақлифлари ва техник ишланмалар йўналишининг қизғин кечиши аниқ.

Дарҳақиқат, эътибор билан тайёрланган слайдлар, кўргазмалар куруллар, тажрибаларнинг жонли намойиш этилиши ва ҳоқозолар изланишларнинг амалий ифодаси эди. Ҳакамлар ҳайъати ҳам уларни «аяшаётгани» йўқ. Тақлиф ва ишланмалар юзасидан берилётган саволлар анчайин мураккаб эди.

— Танловда автомобиль тузилишининг интерактив ўқитиш бўйича электрон ўқув қўлланма билан иштирок этаётган, — дейди Тошкент автомобиль йўллари институти талабаси Зуфариддин Саъдуллаев. — Қўлланма рангли, анимациалли, овозли, тестли ва бошқариш имкони мавжудлиги каби бир қатор афзалликлари билан ажралиб туради.

Шунингдек, юк автомобилларида дизел ёқилғисини тежаш, йод танқислигининг олдини олиш, сочлувчан моддалар (пахта чигити)нинг намлигини ўлчаш ўзгарткичини яратиш ва бошқа таъсир ижтимоий аҳамиятга эга ишлар ҳакамлар томонидан қизғин муҳокама этилиб, ниҳоят, голиблар аниқланди.

Акмал ТОШЕВ, «Ishonch» мухбири

Ахборот технологиялари йўналишида 110 нафардан зиёд ўғил-қиз ўғиллари билан иштирок этди. Бу оқибат пайтахтимизда жойлашган Тошкент Ахборот технологиялари университетида бўлиб ўтди.

Интернетнинг имкониятлари жуда кўп. Анчадан бери унга қизиқаман. Веб-сайтлар яратиш бўйича амалга ошираётган ишларимни қаер-

да намойиш этишни билмасдим. «Келажак овози»да иштирок этиб тушундимки, бу танлов — имкониятлар эшиги. Келажакда ишларимни янада тақомиллаштириб, ўзбекча веб-сайтлар яратиш бўйича кўпчиликка нафи тегадиган ишларни бажариш ниятиданман, — дейди Жаҳон дипломатияси ва иктисодиёти университети талабаси, info.mn.uz веб-сайти яратувчиси Ҳамза Фозилжонов.

Компютер технологияларининг юртимизда тобора ривожланаётгани барчамизни бирдай қувонтиради. Эътибор қилган бўлсангиз, рус ва инглиз тилларида дастурлар кўп. Ўзбек тилида яратилганлари эса кам. Шунинг учун бор эътиборимни ўзбекча дастурлар яратишга қаратганман. Мен яратган «Кутубхона ишини ривожлантириш» дастурий таъминоти кўпчиликка манзур бўлганидан хурсандман, — дейди Тошкент Ахборот технологиялари университети талабаси Ботирхон Зиёдов.

Адҳам АРСЛОНОВ, «Ishonch» мухбири

Ватан битиклари акс этган танлов

«Ёшлар ижод саройи»га қирар эканман, бу ердаги гўзалликдан кўзим қувонди. Ҳар бир иштирокчи ўз иши билан банд.



Кимдир ўзи тўқиган буюмларни, яна кимдир эса ранг-баранг гулларни жойлаштириш билан овора. Айниқса, барчаннинг кўз унганда қоғоздан чиройли гул ясаб берган «Меҳр-шафқат» тиббиёт коллежининг 1-босқич талабаси Улуғбек Файзийнинг «Оригами»лари бетакрор эди. Узининг айтишича, «Оригами» илк бор японияда ясалган бўлиб, аста-секин бутун дунёга тарқалиб кетган экан. Аммо халигача уни ким ихтиро қилгани маълум эмас.

— Булар «Модулли оригами» дейилади. Бошда биргина қоғоздан шундай мўъжизалар яратиш мумкинлигига ҳайрон қолганман. Мана, ишонч ҳосил қилдимки, ҳаммаси ҳаракатга боғлиқ экан, — дейди у ўз «хобби»сидан қувониб.

Акмал Нур, Ўзбекистон халқ рассоми:

— Биз ҳар йили танловни иложи борича кўргазмалар қилишга ҳаракат қиламиз. Кўриб турганингиздек, ишларнинг бари ранг-баранг. Ҳар биридан ватан битикларини ўқиб мумкин. Бу ерда ишлар ҳар хил. Халқ амалии санъати ва тасвирий санъат алоҳида. Ҳакамлар ҳам айнан шу мезонга риоя қилган ҳолда баҳолашади.

Бугунги ёшларга ҳавас қиламан. Улар фақат меҳнат қилишга бўлди.

Арофат Ашрафова, ЎЗМУ қошидаги Зангиота академик лицейининг 2-босқич талабаси:

— Танловнинг биринчи босқичида

Муқимий газали билан айтиладиган «Эй нозанин» кўшигини ижро этиб, шаҳар босқичига йўлланма олгандим. Иккинчи босқичга эса устозим Юнус Йўлчишев шеър билан айтиладиган «Юрт омон бўлса» кўшигини тайёрладим. Бу танловга биринчи бор катнашим. Шу пайтгача «Ягонасан, муқаддас ватан!» кўшиқлар танловидан иштирок этиб, туман босқичида иккинчи ўринни олганман.

— Арофатхон, бу танлов, голиблик ҳам, мағлубият ҳам бўлиши мумкин. Сиз ҳар қандай ҳолатга тайёрмисиз? — Албатта, руҳан тайёрлиб келдим. Лекин, барбир голиб бўлсам, дейман.

Феруза Фйёсова, В.А.Успенский номдаги академик лицейининг 2-босқич талабаси:

— Ҳозир дугорда «Кўнгил гулдастаси» кўйини ижро этман. 5 ёшимдан дугор чалишни ўрганганман. Шунга ҳам 12 йил бўлиб қолди. Устозим — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, доцент Малика Зиёева. Шу йилнинг майда Самарқандда академик лицей, коллежлараро бўлиб ўтган «Ёш ижрочилар» кўрик-танловидан 1-ўринни кўлга киритдим. Танловда «Мўғулчаи дугоҳ», «Ажам тароналари», «Шафоат», «Муҳаммаси Хусайни» каби кўйилари ижро этдим.


— Айтинг-чи, қандай йўл тутсак, ёшлар мақомни кўпроқ тинглайдим?

— Менимча, халқ мақомларини бузимган ҳолда уларни замонавий услубда ижро этиш керак.

Бундан 5-6 йил илгари ёшларимиз «Келажак овози» танловига шунчаки қизиқиш билан қараган бўлишса, ҳозир худди байрамдек қабул қилишади. Сабаби, мазкур танлов ёшларнинг қалбига қириб, уларни ишонтирди ва ортидан эргаштира олди.

Назира БОЙМУРОВА, «Ishonch» мухбири

Танловнинг миллий ва амалий санъат номинацияси рақс



йўналиши катнашчиларини таниқил маданият ва санъат намояндalarидан иборат ҳакамлар ҳайъати Республика Хореография коллежи катта залида қабул қилишди. Таралаётган кўй-қўшиқлар, катнашчилар томонидан яратилган миллий образлар даврага фойз бағишлади.

— Танловнинг шаҳар босқичида ҳам 100 нафар истеъодли ўғил-қиз катнашди. Улар санъатини баҳолаш ҳакамларга ҳам осон бўлмади. Чунки, катнашчилар ёшлиқдан саҳна кўрган ҳавасқорлар эди.

— Яхшиямки, бу йилги баҳолашга ўзгаририш киритилган бўлиб, 1-, 2-, 3-ўринларга имтиёзлар белгиланди. Бу ҳолат бизнинг ишимизни бироз эн-

гиллаштирди, — дейишди ҳакамлар.

Биз бастакор Султон Али муаллифлигидаги «Ўзбекистон» куйига рақс тушган Мухлиса Мустафоева билан суҳбатлашдик. Санъатга ёшлиқдан ҳавас боғлаган Мухлиса шеърлар ҳам машқ қилиб турар экан. У яқинда «Қизлар давраси» телелойҳасининг мутлоқ голибаси ва «Қамолот маликаси» гран-при совриндори бўлган. Бугунги танловдан ҳам умиди катта.

— Устозим, бугунги рақсини тайёрлашда кўмаклашган балетмейстер Феруза Солиқовага ўз миннатдорчилигини билдираман, — деди танлов катнашчиси.

Сафаргул Дониёрова ижросидаги «Доира» рақси, Нодира Темированин «Хоразм лазги»си, Шарифа Қодирова муаллифлигида яратилган кичкина қушча образи, Азамат Зайнитдинов тайёрлаган «Товус», Дониёр Эгамбердиев томонидан намойиш этилган «Палов» рақси ҳаммада катта қизиқиш уйғотди.

Шунингдек, иштирокчилар жаҳон халқлари куйларига ҳам рақсга тушдилар.

Озода САРАФОВ, ЎЗМУ талабаси

Юртнинг умид чироқлари

Танловнинг Адабиёт ва публицистика (Назм, наср ва публицистика) йўналиши Ўзбекистон Миллий университетида бўлиб ўтди. Унда билимдон, зукко, иқтидорли олий ўқув юрти талабалари, ўрта махсус билим юрти ва мактаб ўқувчиларидан иборат ёш истеъод соҳиблари иштирок этди.

Шеърят йўналиши иштирокчиси, марказий журналларда ижод намуналари билан катнашиб келаятган ёш умидли шоир, ЎЗМУ талабаси Насрулло Эргаш ўз таассуротини шундай баён этди:

— Танлов жуда қизиқарли кечди, иштирокчиларнинг барчаси иқтидорли, масъулиятли ёшлар экан. Муқимий, голиблик эмас, тенгдошларимизнинг ижоди билан танишиш, адабиёт ҳақида фикр алмашиш имкониятини бергани учун биз «Келажак овози»дан миннатдоримиз.

Шунингдек, танловнинг адабиёт йўналиши бўйича иштирок этган истеъодли ёшларимиздан Гулҳаё Маърупова, Лазиз Умаров, Динара Раҳимовадан ҳам шундай сўзларни эшитиш мумкин эди. Динара билан суҳбатимиз давомида унинг насрга ёшлиқидан қизиқгани, биринчи ҳикоясини бошланғич синфдагидаёқ ёзганини билиб олдик. У танловга «Меҳр сурати» ҳикоялар

тўплами билан иштирок этди. Публицистика йўналишида ҳам баҳолар қизғин давом этди. Усмон Абдурашулов ўзининг 50 дан ортқ мақоласи билан катнашди. У Тошкент Давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факултетида таҳсил олиш билан бирга, «Маърифат», «Хурият» газеталарида ҳам мақолалар эълон қилиб туради.

Адабиёт ва публицистика йўналиши бўйича 9 нафар иқтидорли ёш танловнинг республика босқичига йўлланмани кўлга киритди.

Қамола КЕНЖАЕВА, ЎЗМУ талабаси, Назира БОЙМУРОВА олган суратлар

«Семург-шифо» санаторийси юртдошларимизни даволанишга тақлиф этади. Профилактика ва даволаш омиллари: подагра, буйрак-тош касалликлари, қандли диабет, ошқозон-ичак касалликлари, жинсий касалликлар. Даволаш учун минерал сувдан фойдаланилади. Манзил: Тошкент вилояти Зангиота туманидаги Эшонгузар кўрғони (Банк коллежи олдида). Тел: (+99871) 270-56-09, (+99897) 716-12-21

Кўрик-танлов

Бадий ҳаваскорлик тўғрақларига қатнаб, санъатдаги маҳоратини тақомилга етказган ва халқимиз қалбидан мустаҳкам ўрин олган кўпжа истеъод соҳибларини яхши биламиз. Шукур Бурханов, Саъдулло Табибуллаев, Обид Жалолов, Раҳим Пирмухамедов, Ориф Алимаҳсумов... Бу рўйхатни яна узоқ давом эттириш мумкин. Адабиёт ва санъатга ошнолик ишчи-хизматчиларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишга хизмат қилиши ҳам барчамизга аён.

Шуларни ҳисобга олиб, Ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касба уюшмаси Тошкент вилоят кенгаши республикамиз мустақиллигининг 20 йиллиги ҳамда Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилга бағишлаб Олмалик шаҳридаги «Аммофос-Максам» очик акциядорлик жамиятининг Маданият саройида «Она ва бола» аънавий вилоят кўрик-танловини ўтказди.

— Мана 12 йилдирки, ушбу кўрик-танлов мунтазам ўтказиб келиняпти, — дейди кенгаш раиси Мавжуда Халилова. — Ҳар сафар ушбу тадбир давомида халқимиз ниҳоятда истеъодларга бойлигига ишонч ҳосил қиламиз. Маълумки, кўпжа истеъодлар айнан шу халқ ичиндан чиқишган ва катта саҳна сари йўл олишган. Ажаб эмаски, бугунги танлов иштирокчилари орасидан ҳам шундай санъаткорлар етишиб чиқса. Саҳнага бирин-кетин ишти-

Бадий ҳаваскорликдан юксак профессионал маҳорат сари

роқчилар кўтарила бошлашди. «Аммофос-Максам» очик акциядорлик жамиятида ишловчи Матлуба Турғунова ва қизи Гафар ҳар ҳамда «Тошкент иссиқлик электр станцияси» очик акциядорлик жамиятининг кимё цехида лаборант лавозимида ишловчи Нодира Султонова ва ўғли Аббосларнинг чиқишлари томошабинлар томонидан олқишлар билан кутиб олинди. — Бугунги тадбирда 9 нафар она ўз фарзанди билан иштирок этишди, — дейди тармоқ касба уюшмаси Марказий кенгаш раиси муовини, кўрик-танлов ўтказиш бўйича ҳайъат раиси Фодуржон Ҳамидов. — Ниҳоятда иштирокчи оналарнинг ёшлари 45, фарзандлариники

эса 10 ёшгача этиб белгиланган. Уларнинг аксарияти тадбирга ниҳоятда пухта ҳозирлик кўрганлигига гувоҳ бўлдик. Мана, ўзингиз кўриб турибсиз, она ва болаларнинг кийинишлари, саҳнада ўзларини тўтишлари бир-бирдан қолишмапти. Беллашув уч турдан иборат бўлди. 1-тур «Танишув» деб номланди. Бу турда иштирокчилар ўзларини таништириб, бадий маҳоратларини намойиш этишди. 2-

циядорлик жамияти вакили Матлуба Турғунова ва қизи Гафар биринчи, «Максам-Чирчиқ» ОАЖ «Аммиак» цехининг аппаратчиси Нафиса Тошметова ва унинг ўғли Самандар иккинчи, «Ўзбеккумир» ОАЖнинг кутубхоначиси Нигора Ўсарова ва қизи Дийрлар учинчи ўринни эгаллашди. Голиб ва иштирокчиларга кўм-матбаҳо совғалар топшириқди. Неъмат РАДИКОВ, «Ishonch» мухбири

Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Хоразм вилоят кенгаши жамоаси вилоят кенгашининг бўлим мудри Нодира Одамбоевага воқифи муносабати билан чуқур тазвия изҳор этади. Ойибни аянинг вафоти муносабати билан чуқур тазвия изҳор этади. Газетанинг навбатдаги сони 18 июн, шанба куни чиқади.



Muassis:

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir:

Abdulloq Abdurazzoqov

Tahrir hay'ati:

Normamat ALLAYOROV, Nosirxon AKBAROV, Muhammad Ali AHMEDOV, Oksana BELAUSOVA, Dovud MADIYEV (Bosh muharrir o'rinbosari), Baxtiyor MAHMADALIYEV, Sog'indiq NIYETULLAYEV, Eson RAJABOV, To'liqin TESHABOYEV, Jahongir SHAROFBOYEV (Mas'ul kotib), Anvar YUNUSOV

Bo'limlar:

Kasaba uyushmalari hayoti 256-87-63

Huquq va xalqaro hayot 256-03-90

Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat 256-87-74

Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport 256-82-79

Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43

Reklama va e'lonlar 256-87-73

Viloyatdagi muxbirlar:

Andijon + 99897 465 05 68; Buxoro + 99893 653 50 81; Jizzax + 99872 360 00 10; Navoiy + 99893 725 46 40; Namangan + 99897 491 79 27; Samarqand + 99866 933 25 04; Surxondaryo + 99897 458 05 07; Farg'ona + 99890 232 93 19; Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm + 99862 562 56 75; Qashqadaryo + 99897 414 30 78

Manzilimiz:

100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy

E-mail: Ishonch2011@gmail.com

Nashr ko'rsatkichi:

133

Navbatchi muharrir:

A.Qodirova

Navbatchi:

Sh. Abdusamadov

Musahhah:

S. Shodiyeva

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Sahifalovchi: H. Abdullajlov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvida chop etildi. Korxonamizning «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda mabta sifatida gazeta nomi ko'rsatish shart. Muallif ibtiroqini taqdim etish zarur.

Tijorat materiallari

O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'y xato qilingan.

Gazeta ofset usulida, Hajmi 2 bosma taboq.

Bosishga topshirish vaqti - 21.00

Topshirildi - 22.20

Buyurtma G — 651

1976da nuxxada bosildi

1 2 3 5